БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 67 (3039).

7 *апрель* ЧОРШАНБА 1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИНИНГ «СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАРОРИ

Республика партия активи йиғилиши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети март Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги докладни тинглаб ва муҳокама қилиб, зўр мамнуният билан шуни таъкидлаб ўтадики, бизнинг партиямиз Ленин йўлига амал қилиб, КПССнинг XX, XXI ва XXII съездлари ишлаб чиққан бош йўлни оғишмай амалга ошира бориб, экономикани ривожлантиришнинг туб масалаларини муваффақиятли ҳал этмоқда, халқнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми партия ва халқнинг коммунистик жамият қуриш йўлидаги қурашида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон партия ташкилоти ва республиканинг барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён қилинган ва Пленум маъқуллаган энг зарур тадбирларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барча тармоқларини зўр бериб юксалтиришнинг жанговар программаси деб қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари, жамоат хўжалигини юксалтиришда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги, ижтимоий ва шахсий манфаатларни тўғри қўшиб олиб бориш принципларининг бузилганлиги қишлоқ хўжалигининг орқада қолганлигига асосий сабаб эканлигини ленинча доноликдан очиб берди ва таъкидлаб ўтди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги субъективизм планлаштиришда, маблағ билан таъминлашда, қишлоқ хўжалигига кредит беришда, нархлар сиёсатида хатоларга олиб келди. Ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилишга капитал маблағ кам ажратилди, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида суст иш олиб борилди. Раҳбар органларни ҳеч асос бўлмагани ҳолда қайта қура беришлар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига катта зарар етказди. Бу қайта қуришлар ишда масъулиятсизлик ва асабийлик вазиятини вужудга келтирди.

Ана шу камчиликларнинг ҳаммаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги бир қанча тармоқларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. Баъзи партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари агротехника, экин майдонларининг структураси, чорва молларни парваришлаш ва боқиш юзасидан колхоз ва совхозларга шаблон кўрсатмалар беришди. Фан ва илғор практика ютуқларидан яхши фойдаланилмади, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, тупроқнинг маҳсулдорлигини ошириш учун зарур чоралар кўрилмади, кўп хўжаликларда алмашлаб экиш бузилди, бедачиликка жиддий путур етказилди.

Бир қанча районларда колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларни топширилган иш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялаш, иш малакасини ошириш соҳасида етарли иш қилинмади. Баъзи колхозларда қишлоқ хўжалик артели ишларини бошқариш демократик асосларининг ва артель Уставининг қўпол равишда бузилишига, ерларнинг талон-торож қилинишига ва жамоат мулкининг ўғирланишига йўл қўйилди.

Республика партия активининг йиғилиши шуни таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларига мувофиқ, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг пастдан юқоригача тузилиши ленинча принципларга тамомила тикланган, партия ва халқ қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган конкрет программасига эга бўлган хозирги пайтда қишлоқлардаги партия ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси вужудга келтирилди. Эндиликда қишлоқ меҳнаткашларининг бутун ижодий активлиги ва ғайратини КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини бажаришга моҳирлик билан сафарбар қилиш ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг янада юксалтирилишини таъминлаш лозим.

Республика партия активининг йиғилиши қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарори, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Президиуми ишлаб чиққан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён қилинган тадбирлар маъқуллансин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари раҳбарлик ва оғишмай бажариш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплани, министрликлари ва бошқармалари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур деб ҳисоблансин.

3. Область ва район партия комитетлари барча партия, совет, хўжалик, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ишини тубдан яхшилашга эришмоқлари керак. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, кишилар тўғрисида, колхоз ва совхозларнинг экономикасини ривожлантириш ҳақида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари рентабель бўлишига эришиш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш бу ташкилотларнинг фаолиятида асосий ва ҳал қилувчи ўринни олиши керак. Колхоз ва совхоз бошлағич партия ташкилотларининг ролини ва жавобгарлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериш, бутун ишда уларга таяниш, партия кучларини тўғри жойлаштириш ҳақида ғамхўрлик қилиш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини, жамоат ҳаётида ғоят актив иштирок қилишларини таъминлаш лозим.

4. Область, район партия комитетлари, министрликлар ва бошқармалар ўз ишларини яхши ва пухта уюштиришлари, маъмуриятчилик, буйруқбозлик, майда-чуйда ишларга аралашавериш, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларга тегишли ишларни ўз зиммаларига олиш каби ҳолларга қатъий барҳо беришлари керак.

Партия ташкилотлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишини яхшилашлари, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи учун ходимларнинг жавобгарлигини ва талабчанликни оширишлари, партия ва давлат аппаратининг барча звеноларида интизомни мустаҳкамлашлари, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини уюштиришлари ва таъсирчан назорат қилиб туришни таъминлашлари керак.

5. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари, касаба союзлари ва комсомол КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга оширишда катта роль ўйнашлари лозим. Улар қишлоқ меҳнаткашларига ҳар жиҳатдан эътибор беришлари, меҳнаткашларнинг маданий-маиший талабларини қондириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари, ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантиришлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини юксалтириш учун социалистик мусобақани ва коммунистик меҳнат ҳаракатини кенг авж олдиришлари керак.

6. Қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш КПСС Марказий Комитети март Пленуми қўйган вазифаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларининг коллективлари илмий тадқиқотларнинг савияси ва самаралорини оширишлари, бутун эътиборни энг муҳим проблемаларга қаратишлари зарур.

Фан ходимлари илмий ютуқлар ва илғор практикани кенг жорий қилишда колхоз ва совхозларга бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

7. Область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш, хўжаликларнинг рентабеллигини ошириш учун зарур чоралар кўришлари лозим, деб ҳисоблансин. Қишлоқ хўжалик артели Уставига, ишларни бошқаришдаги демократик принципларга қаттиқ риоя қилиниши устидан контролни кучайтириш, колхоз ишлаб чиқаришининг барча асосий масалаларини ҳал этишда колхозчилар кенг оммасини албатта қатнаштиришни таъминлаш керак.

8. Март Пленуми қабул қилган ва бутун совет халқининг фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларни барча колхозчиларга, ишчиларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, республиканинг ҳамма меҳнаткашларига кенг тушунтириб бериш — партия ташкилотларининг, матбуот, радио, телевидение ходимларининг, пропагандистлар ва агитаторларнинг энг муҳим вазифасидир.

9. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажариш кўклам даврида қишлоқ хўжалик ишларининг уюштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини эътиборга олиб, область, район партия комитетлари ва колхоз ҳамда совхозларнинг бошлағич партия ташкилотлари, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги министрликлари, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа вақт ичида агротехника жиҳатидан юксак даражада экиш учун зарур чораларни кўришлари, пилла қурти боқишга намунали тайёргарлик кўришлари, қўзилатиш ишларини муваффақиятли ўтказишлари, чорва моллар туёғининг кўпайтирилишини ва чорвачилик маҳсулдорлигининг оширилишини таъминлашлари керак.

* * *

Республика партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1965 йил 1—5 мартда ўтказилган Маслаҳат учрашуви якунлари тўғрисида»ги қарорини яқдиллик билан маъқуллайди, КПСС Марказий Комитетининг социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш, империализмга ва мустамлакачиликка қарши, халқларнинг миллий озодлиги учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда халқаро коммунистик ҳаракатни ва замонамизнинг барча революцион кучларини жипслаштириш соҳасида кўраётган тадбирларини тамомила тўғри тадбирлар деб ҳисоблайди.

* * *

Республика партия активининг йиғилиши Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини, Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида кўрган тадбирларини шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

6 апрелда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида республика партия активининг КПСС Марказий Комитети март Пленуми якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилиш Президиумида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаховов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ўтиришдилар.

Йиғилиш ишида республика Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, ревизия комиссиясининг аъзолари, область партия комитетларининг секретарлари ва қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, область ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, партия-давлат контроли комитетларининг раислари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, область касаба союзлари советларининг раислари, область комсомол комитетларининг секретарлари, қишлоқ хўжалик ва суғориш системалари область бошқармаларининг бошлиқлари, область план комиссияларининг ва «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаларининг раислари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва бошлағич партия ташкилотларининг секретарлари, илмий муассасалар, министрликлар, идоралар ва республика ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, **Ш. Р. Рашидов** «КПСС Марказий Комитети март Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисидаги қарори» ва республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. Абдураззоқов**, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **А. Ҳайдаров**, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **С. Асомов**, Сирдарё область Жеттисой район партия комитетининг биринчи секретари **И. К. Мороз**, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Раҳимов**, Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси **Ман Гим Хван**, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Шамсиддинов**, Сирдарё областидаги Герман Титов номли 6-совхозининг директори **С. Усмонов**, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **К. Камолов**, Хоразм область, Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз партия комитетининг секретари **Я. Содиқов**, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **С. Усмонов**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Х. Абдуллаева**, Фарғона область, Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **М. Шербўтаев** қатнашдилар.

Партия активи йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ФИНЛЯНДИЯ ХАЛҚИГА

Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома тузилган кунининг 17 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикасининг президенти Урхо Кекконен ва Финляндия Бош Министри Яоханнес Виролайненга телеграммалар юбордилар. Телеграммаларда дўст Финляндия халқи саммий қутланади ва унга энг яхши истаклар билдирилади.

А. И. Микояннинг У. Кекконенга йўллаган телеграммасида бундай дейилади: «Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатининг конкрет ва равшан ифодаси бўлган дўстона Совет—Финляндия муносабатлари Совет ва Финляндия халқларининг бахт-саодати йўлида бундан бўён ҳам мустаҳкамланиб ва кенгайиб бораверади, деб ишонаман».

«Мамлакатларимизнинг халқлари шу нарсани мамнуният билан таъкидлашлари мумкинки, — дейилади А. Н. Косигиннинг Я. Виролайненга юборган телеграммасида, — Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишонч вазиятида ривожланиб бормоқда, бу вазиятни вужудга келтиришда 1948 йилги Шартнома муҳим роль ўйнади».

* * *

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси И. В. Спиридонов ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Я. В. Пейве шу сана муносабати билан Финляндия парламентининг раиси К. А. Фагерхольмга, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико эса Финляндия Ташқи ишлар министри А. Карьялайненга табрик телеграммаси йўлладилар. (ТАСС).

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ В. ГОМУЛКА, Э. ОХАБ, Ю. ЦИРАНКЕВИЧ ЎРТОҚЛАР ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ВАРШАВА, 5 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Э. Охаб ва Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич ҳузурида бўлди.

Учрашувда Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари: КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқалар иштирок этдилар.

Учрашувда Польша томонидан Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари З. Клишко, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Стшелецкий, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри А. Рапацкий ва бошқалар бор эди.

Совет партия-ҳукумат делегацияси аъзолари билан Польша Бирлашган Ишчи партияси ва Польша Халқ Республикаси раҳбарлари ўртасида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбат илиқ, самимий вазиятда ўтди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ВАРШАВА, 5 апрель. (ТАСС). Бугун тушдан кейин Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг биносида Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, Н. И. Крилов, Т. Я. Киселев, В. И. Дрозденко, А. Б. Аристов ўртоқлар, делегациянинг маслаҳатчилари қатнашдилар.

Польша томонидан В. Гомулка, Ю. Циранкевич, З. Клишко, А. Рапацкий, С. Ендриховский, М. Спихальский, Б. Яшчук, В. Виха, М. Нашковский, Э. Пшчуловский ўртоқлар, делегациянинг маслаҳатчилари қатнашдилар.

Қардошларча дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Польша ўртасидаги қардошлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари устида, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтирувчи кўпгина халқаро проблемалар устида фикрлашиб олинди.

* * *

ВАРШАВА, 6 апрель (ТАСС мухбири). Бугун арталаб Министрлар Советининг биносида Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар яна бошланди.

ВАРШАВАДА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ВАРШАВА, 5 апрель. (ТАСС). Дўстона визит билан бугун Варшавага келган Совет партия-ҳукумат делегацияси Совет жангчиларининг қабристон-мавзолейига гулчамбар қўйди. СССР Давлат Гимни ижро этилганидан кейин Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин ва делегациянинг бошқа аъзолари улуғвор монумент супасига лентасига қуйидаги сўзлар ёзилган гулчамбар қўйдилар: «Совет ва поляк халқларининг озодлиги учун гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда ҳалок бўлган Совет Армияси шавкатли жангчиларига.

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясидан».

Делегация аъзолари хотира дафтарига имзо чекдилар.

СССР партия-ҳукумат делегацияси номаълум солдат қабри устига ҳам гулчамбар қўйди. Гулчамбар лентасига қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган поляк жангчиларига шон-шарафлар бўлсин.

СССР партия-ҳукумат делегациясидан».

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Айюбхон ва унинг ҳамроҳлари 5 апрель кунининг биринчи ярмини СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини кўришга бағишладилар. Меҳмонлар «Космос», «Атом энергияси», «Совет маданияти», «Ҳисоблаш техникаси» павильонларини кириб кўришди.

Покистондан келган ҳурматли меҳмон Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян ҳузурида бўлди. А. И. Микоян билан Муҳаммад Айюбхон ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган масалалар устида ошкора фикрлашиб олинди.

Кунинг иккинчи ярмида Покистон президенти Муҳаммад Айюбхон қабул маросимлари уйида зиёфат берди. Зиёфатда Совет томонидан К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Д. С. Коротченко ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Муҳаммад Айюбхон ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар. (ТАСС).

* * *

ЛЕНИНГРАД, 6 апрель. (ТАСС). Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Айюбхон ва унинг ҳамроҳлари бугун махсус поездда Москвадан Ленинградга келишди.

Москва вокзалида ҳурматли меҳмонни давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг вакиллари, журналистлар кутиб олдилар. Кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди ва Покистон ҳамда СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

БЕРЛИНДА ҚАБУЛ

БЕРЛИН, 6 апрель. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт 5 апрелда СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречкони қабул қилди. Суҳбат давомида муҳим масалалар, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

КОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ОЛМАОТА, 5 апрель. (ТАСС). Бугун Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Титовни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси қилиб сайлади. С. Б. Ниёзбеков ва К. М. Симаков ўртоқлар Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари қилиб, ўртоқ А. С. Колебаев эса Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Пленум ўртоқ И. Шариповни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолиги вазифасидан ва ўртоқ Р. Б. Байгалиевни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолиги вазифаларидан озод қилди.

ЗИЛЗИЛАДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ

МОСКВА, 5 апрель. (ТАСС мухбири). Совет Қизил Крести Чилида зилзиладан зарар кўрган аҳолига ёрдам учун дори-дармонлар, яра боғлайдиган материаллар, 1.000 та кўрпа ва 4.000 банка қуюлтирилган сут юборади. Яқин кунларда бу совғани аэрофлотнинг махсус самолёти Чилига элтиб, Чили Қизил Крест жамиятининг ихтиёрига топширади.

Совет Қизил Крести ижроия комитети раиси профессор Г. А. Митерев Чили Қизил Крести президенти доктор Агустин Иностроса Пересга телеграмма юборди, табиий офатдан зарар кўрганларга меҳрибонлик ва ҳалол бўлганларнинг оилаларига таъзия изҳор қилди.

СОВЕТ — КУБА МУЗОКАРАЛАРИ

5 апрелда Москвада СССР билан Куба ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан Куба Республикасининг ҳукумат делегацияси билан музокаралар бошланди.

Куба делегациясига министр Орландо Боррего Диас, Совет делегациясига СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков бошчилик қилмоқдалар. (ТАСС).

ҚЎЙ-ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Оҳангарон водилари, қирадирларида кўклам. Кўмкўк майса кишига завқ беради. Ана шу майсазорда ўтлаб юрган қўй-қўзиларни кўриб ҳавасингиз яна ошади. Бирининг ранги-туси бир хилда. Меренос зотли майин жунли қўйлар. Шу кечакундузда чўпонларнинг иши анжи қизиган пайт. Совлиқлар бирин-кетин қўзилаб турибди. Қўчқорлардан эса жун қирқиб олинаяпти.

Мана, 1-«Оҳангарон» совхозининг яйловлари. Бу йирик чорвадор совхознинг 40 минг бошга яқин қўй-қўзиси бор. Уларнинг туёғи йил сайин кўпайиб боряпти. Биргина биринчи бўлимнинг моҳир чўпонлари баҳорги қўзилатиш ҳисобига ҳар юз бош совлиқдан 110 бошдан қўзи олишга муваффақ бўлишди. Бўлимнинг миришкор чўпони Ўроз Эралиев совлиқлардан қўзи олишда намуна кўрсатиш билан бирга қўйлардан жун қирқиб олишда ҳам ибратли ишлар қиляпти. Шу кеча-кундузда Эралиевнинг қўйлардан қирқиб олган жун миқдори ҳар бош қўйга 3 килограммданга тўғри келяпти.

3-бўлим чўпони ўртоқ Алишер Муҳамедов 506 бош чатишган она қўйнинг ҳар юз бошидан 120 бошдан қўзи олди. Совхозда ўртоқ Муҳамедовнинг изидан бораётган чўпонлар оз эмас. Чўпон Самат Ўрозалиев 2-бўлимдаги чўпонлар ичида ўзининг меҳнатсеварлиги билан ҳурмат қозонган. У қўйларнинг зотини яхшилаш, улардан жун қирқиб олишда пешқадамлик кўрсатаяпти. Ўрозалиевдан ўрнак олган Абдураҳмонов эса 276 бош қўчқорнинг ҳар биридан 4,5 килограммдан жун қирқиб олди.

Баҳор чўпонлар учун айниқса масъулиятли даврдир. Қўзилатиш билан бирга қўзичоқларни яхши парвариш қилиш, тўғри ҳисобга олиш керак. Ана шуни яхши ҳис қилган совхоз чўпонлари ҳар бир қўзини саломат асраш учун қўзиларни алоҳида иссиқ хонада боқаяптилар. Шунинг учун ҳам қўзилар этига кунига 130—140 граммдан эт қўшилмоқда. Моҳир чўпон Муҳамедов янги туғилган қўзини онасидан ажратадиган даврга унинг вазнини 25 килограммгача семиртириш мажбуриятини олган. Бу ташаббусга барча чўпонлар қўшилишди. Қилинаётган бу ишларнинг ҳаммаси чорва маҳсулотларини кўпайтириш, давлатга кўплаб гўшт, жун етказиб беришда муносиб ҳисса бўлади, албатта.

КПСС Марказий Комитети Пленумида қабул қилинган СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чоралар тўғрисидаги қарор совхоз чорвадорларининг ҳам ғайратига ғайрат қўшди. Қарорда айниқса тоғлиқ районларда боқилаётган қўйчилик маҳсулотининг харид нархи анча ошганлиги таъкидланади. Бу Оҳангарон адирларида қўй-қўзилар туёғини кўпайтираётгал чўпонларнинг қувончига-қувонч қўшди.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИНИНГ СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь ва ноябрда бўлиб ўтган Пленумлари партиямиз тарихига асло унутилмас воқеалар бўлиб кирди. Бу Пленумлар партия ва давлат турмушининг ленинча нормалари сира бузилмайдиган нормалар эканлигини, партиянинг XX, XXI, XXII съездларида коллектив бўлиб ишлаб чиқилган ва КПСС Программасида ифодаланган бош йўлининг бузилмаслигини зўр куч билан таъкидлади.

Мамлакат партия ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларини бажара бориб, катта ташкилотчилик ишини ва сиёсий ишни амалга оширдилар. Республикада саноат партия ташкилотлари билан қишлоқ партия ташкилотлари сунъий равишда бир-биридан ажратиб қўйилганлиги тугатилди, ҳар бир областда бирлашган партия ташкилоти яна вужудга келтирилди, яхлит партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари сайланди. Районлаштириш масалаларида тартиб ўрнатилди, йириклаштирилган кўп районлар бўлиниб юборилди. Ишлаб чиқариш бошқармалари ва саноат ишлаб чиқариш зоналарининг парткомлари самарали натижа бермаганликлари сабабли тугатилди, барча қишлоқ районларида район партия комитетлари яна тикланди. Энди район партия комитетлари 86 тага етди, ёки ишлаб чиқариш бошқармаларининг парткомлари бўлган вақтдагига нисбатан 13 та райком кўпайди. Шундай қилиб, партия органларининг ташкилий структураси КПСС Уставига мувофиқлаштирилди.

КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорлари амалга оширилганлиги партия билан халқнинг бирлигини, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширди, уларнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини кучайтиришга ёрдам берди. Эндликда омманинг ижодий активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантирмоқ учун кенг имкониятлар очилди, партиянинг ва партия маҳаллий органларининг раҳбарлик ролини кучайтирмоқ учун, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқ учун бутун шароит вужудга келтирилди.

I. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24-26 мартда бўлиб ўтган Пленуми партия ва совет халқи турмушида алоҳида ўрин олади. Бу Пленум КПСС Программасина амалга ошириш учун, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш учун совет кишилари олиб бораётган қаҳрамонона кураш йилномасида жуда катта боб бўлиб қолади. Пленум КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисида»ги докладини ҳар гомонлама ва ишчанлик билан муҳокама қилди.

Пленум коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1965 йил 1-5 мартда Москвада бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувининг якунлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ М. А. Сусловнинг ахборотини тинглади, учрашувда қабул қилинган ҳужжатларни — Ахборотни ва Вьетнамдаги воқеалар тўғрисидаги Баёнотни, шунингдек КПСС делегациясининг фаолиятини тўла равишда маъқуллади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленуми муҳокамасига қўйилган масала этилган, турмушнинг ўзи тақозо қилган масаладир. Бу масала ҳал қилинганлиги жуда катта халқ хўжалиги в сиёсий аҳамиятга эга. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий хатолар натижасида экономиканинг бу тармоғи кейинги йилларда ўзининг ўсиш суръатларини сусайтириб қўйди, аслини олганда, бир жойда туриб қолди.

Социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари назар-писанд қилинмаганлиги, қишлоқ меҳнаткашларини иҳтиёрий хўжаликни мустаҳкамлашдан моддий манфаатдор қилиш, жамоат манфаатлари билан шахсий манфаатларни бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш принциплари бузилганлиги, раҳбарлик қилишдаги субъективизм ва маъмуриятчилик, қишлоқ хўжалигини планлаштиришдаги, пул билан таъминлашдаги ва унга кредитлар беришдаги, нархлар сиёсатидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш практикасидаги жиддий хатолар ва нуқсонлар қишлоқ хўжалигидаги бу аҳволнинг асосий сабаби бўлди. Қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган катта вазифаларга яраша етарли миқдорда капитал маблағлар берилмади ва шунга яраша моддий техника базаси вужудга келтирилмади. Кўпинча колхозлар ва совхозларга юқоридан туриб агротехникага доир, чорвани боқиш методларига, экин майдонларининг структурасига ва бошқа масалаларга доир бир қолипда кўрсатмалар берилаверди. Кўп марталаб, баъзан эса сира ўйланмай ўтказила берилган қайта қуришлар асосийлик ва масъулиятсизлик вазиятини туғдира берди, одамларнинг ўз кучларига бўлган ишончларига путур етказди, ходимларни энг зарур хўжалик вазифаларини амалий ҳал қилишдан чалғитиб қўя берди.

Бу хатолар ва камчиликлар бизнинг республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигининг аҳволига ўзининг ёмон таъсирини ўтказди. Бу хатолар ва камчиликлар қулай табиийиқлим шароитидан ва суғориладиган деҳқончиликнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланишимизга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини тез ривожлантирмоқ учун мавжуд ҳамма резервларни ишга солишимизга имкон бермади.

Дуруст, республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари юксалиб бормоқда, кейинги йилларда маълум даражада ўсди. Чунончи 1964 йилда 1958 йилдагига нисбатан пахта етиштириш 20 процент, дон — 85 процент, луб экинлари ҳосили — 70 процент, картошка — 51 процент, сабзавот — 42 процент, қовун-тарвуз — 18 процент, узум — 21 процент, гўшт — 24 процент, сут — 20 процент, тухум — 18 процент, қоракўл терилари — 53 процент, пилла — 18 процент кўпайтирилди, қорамоллар туёғи 18 процент, парранда 17 процент кўпайди.

Республика саноатини ривожлантиришда муайян ютуқларимиз бор. Саноатимиз бир қанча йиллардан бери планларда кўрсатилганидан илдамроқ бўлиб ривожланмоқда. 1964 йилда 1963 йилдагига нисбатан республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 15 процент кўпайди, пландан ташқари бир қанча миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Республикамизда капитал қурилиш тобора кенг ривожланиб бормоқда. Ўтган йил халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг ҳажми 23 процент ошди.

Партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистон меҳнаткашларининг муваффақиятларига юксак баҳо бердилар. Республика қишлоқ хўжалиги, саноати, транспорти, қурилишлари, савдо, фан ва маданият ходимларидан 11 мингдан кўпроқ киши шу йил 1 мартда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари билан мукофотланди. Шулардан йигирма уч кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвони берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг меҳнатларига шу қадар юксак баҳо берилганлиги учун, ана шу улуғ мукофотлар учун партия ва ҳукуматга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

Лекин ўртоқлар, шуни тўппа-тўғри айтиш керакки, биз тағин ҳам таққослаб бўлмаслик даражада катта муваффақиятларни қўлга киритишимиз мумкин эди. Бизда энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш етти йиллик планнинг контроль рақамларидан кейинда колмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги қолоқликнинг сабабларини чуқур анализ қилиб чиқди ва бу қолоқликни тугатиш йўлларини кўрсатиб берди. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш соҳасида КПСС Марказий Комитети Президиумининг ишлаб чиққан энг зарур чоралари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ва Пленум қарорида батафсил кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш системасини яхшилаш шу чоралар орасида биринчи даражали аҳамиятга эгадир, чунки бу системанинг камчиликлари кўп эди. Маҳсулотни харид қилиш планлари шу вақттача колхозлар ва совхозларга бир йил учун мўлжаллаб, яна бунинг устига кўпинча анча кечиктириб берилар эди, маҳсулотларни тайёрлаш вақтида бу планлар неча марталаб ўзгартирилар, хўжаликларга қўшимча, кўпинча планда кўрсатилганидан ошириб юборилган топшириқлар берилар эди. Бир қанча зоналарда харид қилиб олинаётган маҳсулотнинг нархлари шу маҳсулотни етиштириш учун қилинган харажатларни қопламас эди. Бундай практика давлатга зарар етказа берди, хўжаликларнинг экономикасига путур етказди, қишлоқ меҳнаткашларини ўз меҳнатининг натижаларидан моддий манфаатдор қилмай қўйди.

Турмуш бундай зарарли практикани қатъиян тугатишни, бутун тайёрлаш системамизни такомиллаштиришни қатъий талаб қила берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш учун бир неча йилга мўлжалланган қатъий планлар белгилаб берилиши бу йўлда қўйилган муҳим қадамдир. Бу планларда давлат, колхоз ва совхозларнинг манфаатлари бир-бирига мослаб уйғунлаштирилади. Бир қанча муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий харид нархлари анча оширилганлиги колхозлар ва совхозларни модний рағбатлантирувчи жиддий чорадир. Дон ва гўштнинг харид нархлари оширилганлиги натижасидатина республика колхозлари ва совхозлари йилига қўшимча равишда тахминан 40 миллион сўм пул оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пландан ташқари харид қилишнинг янги тартибини ҳам белгилаб берди. Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оширилган барқарор нархлар билан эркин равишда харид қилиб олишни рағбатлантира беради, товар муносабатларини ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдамлашади, бу ҳам хўжаликларга катта иқтисодий манфаат етказади.

Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик раҳбарларининг ва мутахассисларнинг ташаббусига кенг йўл очади, уларнинг ўз қобилиятларини тўла равишда кўрсатишларига, деҳқончилик ва чорвачиликдаги шаблонларни йўқотишларига имконият беради, жамоат хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида қишлоқ меҳнаткашларининг манфаатдорлигини оширади.

Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни янада кучайтириш, унинг ремонт базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик техникасининг нархларини тартибга солиш; ерларни суғоришни ва мелиорацияни ривожлантириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асраш, кайта ишлашни ва саранжомлашни яхшилаш; колхозлар ва совхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш; агрономия фанининг ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ролини ошириш; колхозлар ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида мўлжаллаб қўйилган чора ва тадбирларнинг ҳам жуда катта аҳамияти бор.

КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан бу чора-тадбирлар қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида, қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш тўғрисида, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида партия ва ҳукумат тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу чора ва тадбирлар совет кишиларига яқин ва тушунарлидир, чунки уларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, инсон учун, унинг бахт-саодати учун амалга оширилмоқда. Шу сабабли, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш тўғрисида Пленум белгилаб берган чора ва тадбирлар бутун партия, бутун совет халқи томонидан қизғин қувватланди ва якдиллик билан маъқулланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон партия ташкилотининг, барча совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг энг муҳим вазифаси, бизнинг муқаддас бурчимиз шуки, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини оғишмай амалга оширишни таъминлашимиз, республикада деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини кескин равишда юксалтиришнинг конкрет йўлларини шу қарорлар асосида аниқ белгилаб олишимиз лозим.

II. ПАХТА — БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Пахта етиштириши тўхтовсиз кўпайтира бериш — қардош халқлар олдидаги энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир. Бу — бизнинг шон ва шараф ишимиз, республикамизнинг шарафли ишидир.

Кейинги йилларда пахтачилик соҳасида катта муваффақиятларга эришдик. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда бошқа факторлар билан бир қаторда 1963 йилнинг бошида пахтанинг харид нархлари оширилганлиги ва пахтакор колхозларга топширган пахтаси эвазига дон сотиш тартиби тикланганлиги ҳам жуда катта роль ўйнади.

Шу чоралар қабул қилинганидан кейин биринчи йилнинг ўзидаёқ республика пахтакорлари пахтачилик тарихида мисли бўлмаган катта ҳосил етиштириб, давлатга 3 миллион 688.5 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Ўтган йил улар бу рекордни такрорладилар. Икки йил ичида пахта етиштиришнинг ўсиши қарийб 1 миллион 200 минг тоннани ташкил этди. Ўртача ҳосилдорлик 1964 йилда 1962 йилдагига нисбатан 3,4 центнёр кўпайди ва гектар бошига 22,6 центнерга етди. Ўтган йил биринчи марта ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришди.

Ҳозир пахтачиликни янада юксалтирмоқ учун тағин ҳам кенг истиқболлар очилмоқда. Пахта етиштиришни тўхтовсиз кўпайтира берамиз. Бу йил республика Ватанга 3 миллион 650 минг тонна пахта бериши лозим, навбатдаги беш йилликнинг охирги йилида эса республикамиз давлатга тўрт миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» бериши керак.

Бу — катта вазифалар бўлса ҳам, лекин шонли пахтакорларимиз буни уддалай оладилар. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун шарт-шароитимиз бор. Республикамизда пахтачилик интенсивлаш асосида ривожланиб бормоқда ва учта асосий йўлдан бориб — ерларни суғоришни бутун чоралар билан ривожлантириш, комплекс механизация ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенг химиялаштириш йўлларидан бориб, тўхтовсиз юксалмоқда.

Республикада мана шу соҳаларнинг ҳаммасида кўпгина ишлар қилинди. Ерларни суғоришни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш ва эскидан ҳайдалиб келган ерларни сувга тўла қилиб олиш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Кейинги беш йил ичида жами 1 миллиард 200 миллион кубометр сув сиғдирадиган янги сув омборлари, Жанубий Мирзачўл, Шеробод, Аму — Бухоро каналлари ва бошқа катта каналлар қурилди, суғориш шохобчаларининг узунлиги 15 минг километр кўпайтирилди. Суғориладиган ерлар майдони шу давр ичида 166 минг гектар кенгайтирилди. Мирзачўлда, Марказий Фарғонада, Амударё этакларида катта-катта ерлар ўзлаштирилди, Қарши ва Шеробод даштларига кенг жабҳа бўйлаб ҳужум қилинмоқда. Бу йил 66 минг гектар янги ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Янги ерларни ўзлаштириш — пахтачиликдаги энг муҳим масалаларнинг бири. Лекин баъзи жойларда бу ишга етарли аҳамият берилмаётганлиги очиқ кўриниб турибди. 1964 йилда Қорақалпоғистон АССРда, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона областларида янги ерларни ўзлаштириш билан бажарилмай қолганлигига бундан бошқа сабаб бўлиши мумкин эмас. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди.

Сув хўжалиги қурилиши бундан буён тағин ҳам кўпроқ кенгайтирилади. Ҳозир республикамизда Чорвоқ ва Кампирровот сув омборлари, Тахиатош гидроузели ва бошқа шулар каби катта гидротехника иншоотлари қурилмоқда. Булар жуда мураккаб, ҳақиқатан мисли йўқ иншоотлардир. Бу иншоотлар мамлакатимизнинг фахри бўлишга ҳақли. Шу иншоотларни ишга туширши қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ишини тез олга силжитишга, сув тақчил ерларни сув билан таъминлашни анча яхшилашга, пахтачилик ва шоликорликни янада юксалтиришга имкон беради.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бу гидротехника иншоотларига катта аҳамият бермоқдалар. СССР Министрлар Совети бу иншоотларни қуришни жадаллаштириш тўғрисида республиканинг илтимосини қўллаб-қувватлади. Ҳозирги вақтда қурилишларни пул ва материал-техника билан таъминлашни яхшилаш чоралари ишлаб чиқилмоқда, улар учун қўшимча маблағлар ва техника ажратилмоқда. Бинокорларимизнинг вазифаси шуки, улар Чорвоқ, Кампирровот сув омборларини ва Тахиатош гидроузелини тезроқ қуриш учун мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланишлари керак.

Бошқа сув хўжалиги объектларини қуриб битказиш, мавжуд сув омборларини кўпроқ сув сиғдирадиган қилиш, бутун суғориш шохобчаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш, суғоришнинг прогрессив усулларини жорий қилиш соҳасида ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз керак.

Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши мавжуд суғориш зоналарида ерларни қондириб суғориш, юз минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имкониятини беради. Яқин беш йил ичида биз Мирзачўлда ва Қарши даштида, Сурхон — Шеробод водийсида янги катта пахтачилик районлари вужудга келтиришимиз лозим. Бу районлар 1970 йилга бориб йилига 370-400 минг тонна «оқ олтин» берадиган бўлиб қолади.

Мелиорация масалалари республикамизда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда, биз бу масалаларни ҳам ирригацияни ривожлантириш билан чамбарчас боғлаб ҳал қилишимиз лозим. Республикадаги суғориладиган ерларнинг тахминан ярмиси шўр босганлиги ёки шўр босадиган ерлар бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда пахтанинг ҳосилдорлиги камайиб бормоқда, суғориладиган ерларнинг анчагина қисми ҳар йил қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолмоқда ва бунинг орқасида ҳар йил биз бир неча ўн минг тонна пахтани кам олмоқдамиз.

Кейинги йилларда республикада катта коллекторлар, оқава сувлар оқизилиб юбориладиган бир қанча катта каналлар, очиқ ва ёпиқ горизонтал ва тик зовурлар қурдик. Бу эса ботқоқ ерларнинг захини батамом кетказишга, ер ости сувларининг сатҳини пасайтиришга, кенг майдонларда ерларнинг шўр босиб қолиши ва захкаш бўлиб қолишининг олдини олишга имкон берди.

Бироқ, суғориладиган зонанинг катта массивларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳали ҳам қўнгилдагидек эмас. Кўп колхозлар ва совхозларда зовурлар жуда кам.

Навбатдаги беш йилликда 400 минг гектарга яқин майдонда ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ишларини бажариш кўзда тутилади. Бу эса катта капитал маблағлар сарфлашни талаб қилади. Шу сабабли, давлат эндликда бу ишларни ўз зиммасига олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ирригация ва мелиорация масалаларига катта эътибор берди. Шу Пленумнинг кўрсатмаларига мувофиқ, бундан буён суғориш системаларини қуриш билан бир вақтда коллекторзовурлар ҳам пешма-пеш қурилиб боради. Шу билан бирга, лойиҳада кўрсатилган ирригация ва мелиорация ишларининг бутун комплекси тўлиқ бажарилганидан кейингина янги ерлар фойдаланиш учун топширилиши шарт қилиб қўйилди.

Пахтачиликдаги ишларни механизациялаш даражасини янада ошириш ғоят муҳим проблемадир. Республикамизда қишлоқ хўжалигининг бу етакчи тармоғидаги ишларнинг кўпчилиги тўла равишда механизациялашган. Кейинги йилларда анчагина майдонларда ғўзани чилпиш, зовур ва ариқларни тозалаш тўла равишда машиналаштирилди, ерларни текислаш, пахтани ташиш, юклаш ва бўшатиш ишлари катта ҳажмда машиналаштирилди.

Республикада пахта теришни машиналаштириш учун кўп иш қилинди. Ўтган йил 814 минг тонна пахта машиналарда териб олинди. Сирдарё областида ҳосилнинг 45 проценти, Тошкент областида 38 проценти, кўпгина илгор хўжаликларда эса ҳосилнинг 70 проценти ва ундан ҳам кўпроғи машиналарда териб топширилди.

Бу — катта тараққиётдир. Бироқ, ҳосилнинг асосий қисми ҳали ҳам қўл билан териб олинмоқда. Пахтани териб олиш ҳозирги пахтачиликда меҳнатни энг кўп талаб қилаётган иш бўлиб турибди. Пахта теришни машиналаштириш биз учун энг биринчи проблема бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда етиштирилаётган пахтанинг ҳажми колхозлар ва совхозларнинг уни ўз кучлари билан териб олишларига имконият бермайди. Биз шаҳарлардан жуда кўп ишчилар, хизматчилар ва студентларни, шунингдек мактаб ўқувчиларини пахта теримига тортишга мажбур бўлмоқдамиз. Буни нормал аҳвол деб бўлмайди. Марказий Комитет бундай практикани қоралади. Биз бунга қатъиян чек қўйишимиз керак. Лекин қандай қилиб? Пахта етиштиришни муттасил кўпайтирмоқдамиз-ку. Демак, бунинг фақат битта иложи бор, у ҳам бўлса, пахта теришишларини кенг равишда механизациялаш керак.

Бунинг учун, аввало мавжуд терим машиналаридан ва бутун қишлоқ хўжалиги техникасидан янада самарали фойдаланишга эришиш керак; ҳозирги вақтда пахта териш машиналарининг иш унуми кўп хўжаликларда ҳали ҳам жуда паст. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, ўтган йили республикада ҳар бир терим машинаси билан ўрта ҳисобда фақат 47,5 тонна, Қорақалпоғистонда эса 34 тонна, Бухоро областида 40 тонна пахта териб олинди. Ҳар хил ташкилий ва техникавий ишкалликлар сабабли 4 мингга яқин машина систематик равишда ишламай, тўхтаб қола берди. Биз бу жиддий камчиликларни кескин равишда йўқотишимиз керак.

Шу билан бирга, ҳамма колхозлар ва совхозларни терим машиналари билан етарли миқдорда таъминлаш имкониятига эга бўлмоқ учун «Ташсельмаш» заводининг қувватини кенгайтиришимиз, бу заводда терим агрегатлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз керак. Ҳозир бу масала кўриб чиқилмоқда, бу масала ижобий ҳал қилинади, деб умид қилиш учун асослар бор. Бу йил «Ўзбекистон» номли тўрт қаторли терим машиналаридан ҳам 50 таси ишлаб чиқарилади.

Лекин гап пахта териш машиналарининг сони ва сифатидагина эмас. Далалар яхшилаб тайёрлаб қўйилган, дефолиация юқори сифатли қилиб ўтказилган жойлардагина терим машиналари нормал ишлаши мумкин. Демак, дефолиацияга кўпроқ эътибор беришимиз, бу ишни ўз вақтида ўтказишимиз. ҳозирча бизда унчалик кўп бўлмаган дефолиантлардан рационал равишда фойдаланишимиз керак. Бу йил Навоий химия комбинати ва Фарғона азотли ўғитлар заводи эркин цианамид ва магний хлорати сингари яхши натижа берадиган дефолиантларни биринчи марта ишлаб чиқариб, колхозлар ва совхозларга юборишлари лозим. Бироқ, мазкур корхоналарда ишлаб чиқаришни тайёрлаш жуда суст бормоқда. Бу камчиликни тўғриламоқ учун ошиғич чоралар кўриш керак.

Ерга тўкилиб қолган пахтани қўлда териб олиш меҳнатни кўп талаб қиладиган иш. Бутун ҳосилни териб олишга нетадиган меҳнатнинг 60 проценти ва ундан ҳам кўпроғи шу ишга сарф бўлмоқда. Республикада тўкилган пахтани териб олиш билан 600 мингга яқин киши машғул бўлмоқда, буларнинг анча қисми студентлар ва мактаб ўқувчиларидан иборат бўлиб, бу нарса уларнинг нормал ўқишига халакит бермоқда ва пахтанинг таннархини қимматлаштириб юбормоқда.

Бизнинг конструкторларимиз ерга тўкилиб қолган пахтани йиғиштириб оладиган яхши машина яратдилар, «Ўзбексельмаш» заводи бу машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бироқ, бундай машиналар учун резина тасмалар йўқлиги сабабли, уларни кўплаб ишлаб чиқариш орқага сурилиб келди. Энди бу масала ҳал қилинди, ерга тўкилиб қолган пахталарни йиғиштириб берадиган машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш яқин фурсатда йўлга қўйилади. Вазифа шуки, ерга тўкилиб қолган пахтани йиғиштириб олишни кенг механизациялаштирмоқ учун янги машиналардан тўғри фойдаланиш керак.

Пахтачилик учун тағин ҳам мукаммал чопиқ трактори яратиб бериш, «Т-4» маркали ўрмаловчи янги ҳайдов тракторини кенг жорий қилиш, суғоришни машиналаштирадиган техника воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта тайёрлаш пунктларини ва пахта тозалаш саноатини мукаммал техника билан яхшироқ таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кенг программасини белгилаб берди. Навбатдаги беш йилликнинг охирига бориб, тракторлар ишлаб чиқариш икки баравар, ғалла комбайнлари ишлаб чиқариш бир ярим баравар, юк автомобиллари ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилади, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган 80 га яқин янги завод ва цехлар, 200 га яқин ремонт заводлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиб беришга ихтисослаштирилган бир мингтадан кўпроқ устаханалар қурилади. Ишлаб чиқариш объектларини қуришга ва қишлоқ хўжалигига учун техника сотиб олишга давлат томонидан бутун беш йиллик давомида 41 миллиард сўм капитал маблағ берилади. Бу эса, урушдан кейинги 19 йил ичида қишлоқ хўжалигига сарфланган жамики маблағга тенг дейиш мумкин.

Бу программани амалга ошириш бизнинг республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини механизациялаш даражасини кескин равишда оширишга, ремонт базасини мустаҳкамлашга имконият беради.

Минерал ўғитлардан фойдаланиш пахтачиликни интенсивлашнинг ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Республикамизда далаларга йилдан-йилга тобора кўпроқ ўғит солинмоқда. Кўпгина хўжаликлар бу ўғитлардан яхши натижа олмоқдалар; солинган ўғитларнинг миқдори нисбатан унчалик кўп бўлмаса ҳам, аммо мўл ҳосил олинмоқда. Лекин ўғитни кўп солиб, ҳосилни кам олаётган хўжаликлар ҳали ҳам бор. Демак, гап ерга солинадиган ўғит нормасини оширишдангина иборат эмас, балки бу ўғитлардан билиб, самарали фойдаланишни ўрганиб олишнинг аҳамияти ҳам катта. Дефолиантлар, десикантлар, гербицидлар ва заҳарли химикатларни ҳали ҳам жуда кам олмоқдамиз, лекин булардан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларни асраш ва ташиш вақтида нобуд бўлишига йўл қўймаслик айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни уқтириб ўтдики, қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида белгилаб берилган ҳамма тадбирларнинг берадиган самараси қишлоқ хўжалиги кенг химиялаштирилган тақдирда анча кўпаяди. Юқори сифатли минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, гербицидлар ва дефолиантларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш суръатларини жадаллаштириш вазифаси саноат олдига қўйилди. Фақат бизнинг республикамиздагина минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1970 йилда 5 миллион 200 минг тоннага етказилади. Республика Халқ хўжалиги кенгаши минерал ўғитлар, шунингдек дефолиантлар, десикантлар ва заҳарли химикатлар ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кўпайтира бериши лозим.

Суғориш, химиялаштириш ва механизациялаш билан бир қаторда деҳқончиликнинг умумий маданиятини ошириш пахтачиликни интенсивлашнинг мутлақо зарур шартидир. Деҳқончилик маданиятининг даражаси алмашлаб экишларни тўғри қўллашишга, қишлоқ хўжалик экинларини экиш тартибига қатъий амал қилишишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Пахта етиштириш учун ихтисослаштирилган суғориладиган деҳқончилик шароитида пахта-беда алмашлаб экишлари энг яхши натижа беради. Беда — ғўзанинг жуда яхши ўтмишдошидир. Аммо, кейинги йилларда бедага етарли аҳамият бермай қўйдик. Пахта-беда алмашлаб экиш рағбатлантирилмади. Натижада бедапоялар 1964 йилда 1959 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар камайиб кетди. Фарғона, Андижон, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бедапоялар айниқса кўпроқ қисқартирилди. Беданинг ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетди. Юқоридан берилаётган шаблон тариқасидаги кўрсатмалар, ишдаги субъективизм ҳам бунга ўз таъсирини ўтказди.

Биз бу хатоларни тезроқ тузатишимиз керак. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети алмашлаб экишларни ўзлаштириш ҳамда колхозлар ва совхозларда бедачиликни тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар. Бу йилнинг ўзидаёқ бедапоялар анчагина кўпайтирилиб, қарийб 280 минг гектарга етказилади. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит бор. Колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида бир қанча йилларга мўлжалланган қатъий планларга эга бўлаётган ҳозирги шароитда улар маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, экин майдонларининг структурасини олдиндан белгилаб қўйишлари, бузилган алмашлаб экишларни қайта тиклашлари, фан муваффақиятлари ва илғорлар тажрибаси асосида прогрессив агротехникани ишлаб чиқиб, жорий қилишлари мумкин.

Ҳозир биз улкан пахта учун қурашнинг жуда масъулиятли босқичига қадам қўйдик. Кўкламги экиш кампанияси қизиб кетди. Кўкламнинг бир куни бутун бир йилга татийди, деган халқнинг ҳақли гапи бор.

Шу кунларда бизнинг энг муҳим вазифамиз шуки, чиғит экишни моҳирлик билан ташкил этишга асосий эътиборимизни беришимиз, бу ишни қисқа муддатларда ва юқори агротехника савиясида ўтказишимиз, чиғитларни бир текисда ундириб олишимиз лозим. Ғўзаларни парвариш қилишни, ғўзанинг нормал ривожланишини таъминлаш ишларини ўз вақтида авж олдириб юбормоқ учун ҳамма нарсани ҳозирдан бошлаб тахт қилиб қўйишимиз лозим. Шуни эсда тутиш керакки, ҳозир биз энг катта бойлигимиз бўлган пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун замин тайёрламоқдамиз. Бу замин бақувват ва мустаҳкам бўлиши лозим.

III. ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ВА ПИЛЛАЧИЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАЙЛИК

Экономикани юксалтириш, халқ моддий фаровонлигини яхшилаш манфаатлари озиқ-овқат экинлари — буғдой, шоли, картошка, сабзавот, мева, узум ва шу сингари бошқа экинлар маҳсулотини етиштиришни ҳам кескин кўпайтиришни талаб қилмоқда.

1964 йилда ғаллакорларимиз билан шоликорларимиз яхши меҳнат қилишди. Давлатга 40 миллион пудга яқин дон сотилди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати катта ёрдам берганлиги туфайли республикада 9 та катта шоликор совхоз ташкил этилди, бу эса шоли экиладиган майдонларни кенгайтириш ва бу қимматли озиқ-овқат экини маҳсулотини етиштиришни кўпайтириш имконини берди.

Бироқ, бизда шоли етиштиришни кўпайтириш учун анча катта имкониятлар бор. Амударё этакларида йирик шоликорлик райони барпо этиш ва бу экин ҳосилини етиштиришни 1970 йилга борганда камида 315-320 минг тоннага етказиш вазифаси олдимизда турибди. Бу вазифани бажармоқ учун ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган 13 та шоликор совхозни тўла-тўкис қуриб битказиш, яна бешта янги хўжалик ташкил этиш ва республикадаги шолипояларнинг умумий майдонини 105-110 минг гектаргача етказиш лозим.

Республиканинг дон хўжалигида буғдой билан арпа ҳам аввалгидек муҳим ўринни эгаллаб турибди. Республиканинг колхоз ва совхозлари ўзлари учун қатъий қилиб белгилаб қўйилган давлат харид планини бажармоқ ва ўзларининг уруғлиққа, ем-хашак

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИНИНГ СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Бошқа техника экинлари етиштириш тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Маълумки, бизнинг республикамиз иттифоқда етиштириладиган канопнинг 90 процентидан кўпроғини бермоқда. Ўтган йили лубкор хўжаликларнинг меҳнаткашлари давлатга 257 минг тоннадан ортиқ канап пояси сотиб, яхши муваффақиятга эришдилар. Лекин бу қимматли экиннинг уруғини етиштириш ва давлатга сотиш плани бажарилмай қолди.

1970 йилга борганда канап пояси сотишни 290 минг тоннага ва уруғ сотишни 1.200 тоннага етказиш белгилаб қўйилди. Бу — катта вазифа! Бу вазифани бажармоқ учун хосилдорликни оширмоқ ва агротехникани яхшилаш, минерал ўғитлардан янада самарали фойдаланиш, сермеҳнат ишларни, айниқса канопни луб қилиб қайта ишлашда механизация даражасини бутун чоралар билан ошириш йўли билан орқада қолаётган хўжаликларни илғорлар даражасига етказиб олмоқ керак. Юқори Чирчиқ ва Оққўрғон районларининг меҳнаткашлари бу соҳада ҳам ҳали кўпгина ишларни қилишлари лозим.

Ўтган йили тамаки етиштириш ва тайёрлаш плани анча ошириб бажарилди. Бу экин Ўргут районида ўстирилмоқда. Тамакининг хосилдорлиги оширилиб, турлари кўпайтирилди. Эндиликда тамакининг хаммаси прессланган тойлар ҳолида топширилмоқда. Бироқ, тамакичиликни механизациялаш даражасини ошириш имкониятларидан ҳозиргача ҳам суст фойдаланилмоқда. Биз бу масала билан дурустроқ шуғулланишимиз керак.

Пиллачилик республика қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Пиллачиларимиз пилла тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажармоқдалар. Кейинги йилларда пиллачиликнинг озуқа базасини яхшилаш юзасидан бирмунча ишлар қилинди.

Бироқ, умуман олганда бу тармоқнинг ривожланиш даражаси мамлакат халқ хўжалигининг юксак талабларига жавоб бермаётир. Пилла қуртининг ҳосилдорлиги ўсмаётир, пилланинг таннархи камайиб бормаётир, уларнинг сифати унчалик баланд эмас. Пиллачиликнинг моддий техника базаси қониқарсиз аҳволда эканлиги бунинг асосий сабабидир. Пилла қуртининг асосий қисми тарқоқ ҳолда, колхозчиларнинг уйларида, омборларда ва бошқа мосланмаган биноларда боқилмоқда. Пилла қуртининг кимматли технология хусусиятларига эга бўлган пилла берувчи сермаҳсул навларини жорий этиш масалаларига кам эътибор берилмоқда.

Госплан билан Қишлоқ хўжалиги министрлиги махсус қуртхоналар қуриш, колхоз ва совхозларни кўп ярусли металл этажеркалар билан ва қурт боқиш учун керакли бошқа ускуналар билан таъминлаш масаласини ошириб тартибда кўриб чиқишлари зарур. Пиллачилик мутахассисларининг меҳнатига ҳақ бериш ва уларни моддий рағбатлантириш масаласини ҳам қараб чиқиш керак. Илмий тадқиқот муассасалари ва Қишлоқ хўжалиги министрлиги йирик пилла берувчи гибридларни якин йиллар ичида технология жиҳатидан қимматли фазилатларга эга бўлган хом ашё берувчи сермаҳсул навлар билан алмаштиришни жиддий суратда ўйлаб кўришлари ва бу хусусда ўз таклифларини беришлари лозим. Пиллани дастлабки ишлаш ва қуритиш технологиясини яхшилаш, пиллани дастлабки ишловчи корхоналарни мукаммал ускуналар билан қуроллантириш чораларини кўрмоқ керак.

Республикада ҳар йили жуда кўп тут кўчатлари ўтқазилмоқда. Лекин шундай бўлса ҳам кўпгина колхоз ва совхозларда тут барги ҳали ҳам етишмаётир. Бунинг сабаби шуки, тут ниҳоллари ва илгари ўтқазилган кўчатлар лозим даражада парвариш қилинмаётир. Шунинг оқибатида барг ҳосили ва унинг сифати паст бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги министрлиги, унинг пиллачилик бош бошқармаси, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўрсинлар.

IV. ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚАРИБ ОЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигининг энг орқада қолган тармоғи бўлган чорвачиликни кўтариш зарурлигига алоҳида эътибор берди. Бу тармоқ бизнинг республикамизда ҳам орқада қолмоқда, чунончи 1964 йилда чорва туёғи ва паррандани кўпайтириш, гўшт, сут, тухум, жун етиштириш планлари бажарилмай қолди. Чорва моллар туёғи эса, хатто, бурноғи йилдагидан ҳам камайиб кетди. Самарканд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Сирдарё областларидаги колхоз ва совхозларда чорва туёғи айниқса кўп камайди. Сўнгги беш йил мобайнида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш суръатлари пасайиб кетди.

Бунинг асосий сабаби шуки, озуқа базаси қониқарсиз аҳволга тушиб қолди, молларни урчитиб кўпайтириш яхши йўлга қўйилмади, кўп моллар қисир қолди ва чорванинг нобуд бўлиши кўпайиб кетди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашни таъминлайдиган бир қанча чораларни кўрдилар. Аввало, бедапояларни анча кенгайтириш белгиланди. Тадбирларда беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳам кўзда тутилган. Ем бўладиган дон етиштиришни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Аралаш озуқа ишлаб чиқариш 1964 йилдагига қараганда қарийб бир миллион тонна ёки тўрт ярим баравар кўпайтирилади. Даштдаги яйловлардан 3,5 миллион гектарига сув чиқариш ва ўзлаштириш белгилаб қўйилди.

Гўшт ресурсларини кўпайтириш мақсадида чорва молларни ўстирадиган ва боқиб семиртирадиган ихтисослаштирилган хўжаликлар, чўчқаларни семиртирадиган совхозлар ва уларни кўпайтирадиган хўжаликлар барпо этилмоқда. Қорақўлчилик хўжаликларида қўй гўшти етиштириш кўпайтирилади. Республикадаги парранда фабрикаларида кўп миқдорда гўшт, парранда ва тухум етиштириладиган бўлади.

Март Пленуми чорвачиликни юксалтириш юзасидан катта-катта иқтисодий чораларни белгилаб берди. Жумладан, 1965 йилда чорва моллар, парранда ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари камайтирилди, олти йил учун қатъий харид плани белгиланди, чорвачилик маҳсулотлари учун амалда бўлган ҳарид ва тайёрлаш нархларига қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди.

Колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжалигида мол боқиш соҳасидаги чеклашлар бекор қилинганлиги, сутни қабул қилиш вақтида унинг таркибидаги ёғни ҳисобга олиш ҳақиқатда эришилган ўртача даражага келтирилганлиги, ёғи олинган сутга тўланадиган ва илгари амалда бўлган нархнинг қайта тикланганлиги ва шу сингари бошқа чоралар ҳам муҳим чоралардир.

Бу чоралар колхоз ва совхозларга иқтисодий жиҳатдан катта фойда беради, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан уларнинг моддий манфаатдорлигини оширади. Гўштнинг харид нархи оширилганлигининг ўзидан республика колхоз ва совхозлари шу йилнинг ўзидаёқ қўшимча суратда 30 миллион сўм манфаат кўрадилар, сутнинг харид нархини ошириш тўғрисидаги бундан аввалги тадбир амалга оширилиши натижасида эса колхоз ва совхозларнинг даромадлари яна қарийб 11,5 миллион сўм ортади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир хўжаликнинг имкониятларини ниҳоятда синчиклаб қараб чиқмоқ ва унинг экономикасини ривожлантириш, уни ихтисослаштириш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда чорвачилик маҳсулотлари харид қилишнинг 1970 йилгача қатъий планларини белгилаб чиқмоқ жуда муҳим ишдир.

Халқ фаровонлигининг даражаси, уни энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шўнингдек саноатни қимматли хом ашё билан таъминлаш кўп жиҳатдан чорвачиликнинг аҳволига боғлиқ эканлигини эсда тутиб, халқ хўжалигининг бу тармоғи билан кун сайин ва конкрет равишда шуғулланишимиз лозим.

Ҳозирги вақтда чорвачиликни ривожлантиришда жуда масъулиятли даврда турибмиз. Барча областларда қўзилатиш кампанияси қизитиб юборилган. Бу кампанияни муваффақиятли ўтказмоқ учун бизда барча шароитлар бор.

Лекин баъзи жойларда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётир. Бунинг устига айрим колхоз ва совхозларда тўқлилар кўплаб сўйиб юборилмоқда. Масалан, Қашқадарё областида боқиб ўстириш учун қўзиларнинг фақат 40 проценти, Бухоро областида 39 проценти, Сирдарё областида 26 проценти қолдирилганлигини, Сирдарё областидаги Киров номли, «Чимқўрғон» ва «Фориш» совхозларида, Бухоро областидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», «Конимех» ва «Кўкча» совхозларида, «Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги» совхозида атиги 25-35 проценти қолдирилганлигини нормал бир ҳол деб бўладими, ахир.

Бундай ҳолларга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир хўжаликда қўзилатиш қандай бораётганлигини дарҳол қараб чиқмоқ ва ўтган йилги қўйларнинг нобуд бўлишидан кўрилган зарарнинг ўрнини копламоқ учун тўқлиларни, шунингдек қорақўл топшириш юзасидан белгиланган пландан ташқари тери топшириш мақсадида қўзиларни сўйишнинг олдини олиш учун чоралар кўрмоқ зарур.

Чорва моллар учун озуқа базаси тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Бонг уришга мажбур этадиган фактлар содир бўлмоқда. Колхоз ва совхозларда кўп йиллик ўтлар экиш ниҳоятда суст бормоқда. Бундай ўтларни экиш плани республикада 31 мартга қадар атиги 80,3 процент бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Хоразм ва Самарканд областларнинг хўжаликлари беда экишда айниқса орқада қолмоқдалар. Пичан ўришга тайёргарлик кўриш ҳам пайсалга солинмоқда. Ҳозирги вақтда косилкалар, ўроқ машиналари ва пресс-подборщикларнинг фақат ярми пичан ўримига шайлаб қўйилган.

Бу камчиликни дарҳол тугаллашимиз, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари экишни барча хўжаликларда тезроқ тугатишимиз, пичан ўримига тайёргарликни яхшилашимиз лозим. Мустаҳкам озуқа базаси — чорвачиликни ривожлантириш асосларининг асоси эканлигини, чорва туёғи ва маҳсулдорлигини ўстириш гарови эканлигини унутмаслигимиз керак.

Чорвадорлар билан, айниқса узоқ яйловлардаги чўпонлар билан олиб бориладиган ишларни яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим. Уларга кўпроқ ғамхўрлик қилиш, нормал меҳнат ва турмуш шароити яратиб бериш, уларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишлари билан кун сайин шуғулланиш, чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш зарур.

Чорвачиликни янада ривожлантириш проблемасининг аҳамияти ғоят катта эканлигини ҳисобга олиб, биз бу масалани республика Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўймоқдамиз.

V. ФАН ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Партия социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамиша фан ва илғор тажриба ютуқларига таяниб келмоқда. Эндиликда КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тадбирларида ҳам қишлоқ хўжалиги фани, мутахассислар, олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, уларнинг ижодий ташаббускорлиги катта роль ўйнайди, деб ўқдириб ўтилди.

Бизнинг республикамизда қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи 29 илмий тадқиқот ва ўқув институтлари бор, бу институтларда 2.000 га яқин илмий ходим ва педагог, шу жумладан 20 фан доктори ва 350 га яқин фан кандидати ишлаб турибди. Олимларнинг бу катта армияси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги амалий вазифаларни ҳал этишга муайян ҳисса қўшди.

Бироқ, етарли илмий асос бўлмагани ҳолда вужудга келган ва маъмурий воситалар билан қўллаб-қувватланган ярокси назариялар ва догмалар ўз вақтида бартараф этилганида эди, қишлоқ хўжалик, биология фанимизнинг муваффақиятлари ва унинг ишлаб чиқаришга бераётган амалий ёрдами анча кўпроқ бўлган бўлур эди. Марказий Комитет Пленуми шу нарсани таъкидладики, партия илмий тадқиқот ишларида маъмуриятчилик ва субъективизмга қарши қатъият билан кураш олиб боради, мутахассислар билан олимларнинг фойдали ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради, уларга меҳрибонлик ва эътибор билан қарайди.

Олимларимиз олдида ғоят катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар пахтанинг янги серҳосил тезпишар навларини яратиш билан, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва ўсимликларнинг касалликларига, айниқса вилтга қарши курашнинг самаралилигини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим назарий проблемаларни ишлаб чиқишлари лозим. Суғориш, мелиорация, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини химиялаш ва механизациялашнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга, тупроқнинг шўрини қочириш усулларини ва суғориш техникасини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишга эътиборни кучайтириш керак. Деҳқончилик ва чорвачиликдаги сермеҳнат процесларни комплекс механизациялашни тугаллаш учун керакли машиналар системасини такомиллаштириш, ҳар бир зонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экиш схемасини аниқ белгилаб бериш ҳам зарур.

Барча колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги илмий муваффақиятлар ва илғор тажрибани жорий этиш эндиликда ишлаб чиқариш бошқармаларининг амалий фаолиятидаги асосий иш бўлиб қолмоғи керак. Бу муҳим ишда республика партия ташкилотлари ишлаб чиқариш бошқармаларига бутун чоралар билан кўмаклашишлари лозим.

Ҳозирги шароитда олдимизда турган катта-катта вазифаларни илм-фаннинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Буни яхши тушуниб олиш керак. Партия мутахассисларни, олимларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда ўзининг мустаҳкам таянчи деб билмоқда. Партия олимларнинг кучига ишонади ва уларнинг том маъноси билан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланишларини, табиат сирларини чуқур билиб олишларини, ҳаётга янада дадил кириб боришларини, колхозлар ва совхозлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб туришларини, практикани янги кашфиётлар билан бойитишларини истайди. Фаннинг тажрибада синаб кўрилган муваффақиятлари матбуот, радио ва телевидение орқали кенг оммалаштирилсин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришнинг мажбурий шарти сифатида колхоз ва совхозларда планли тартибда жорий этиладиган бўлсин.

VI. КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ХЎЖАЛИК ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чораларини қараб чиқаётган вақтда колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берди.

Қишлоқ хўжалигида қўриладиган йирик иқтисодий чоралардан энг кўп самара олмоқ учун колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишдаги камчиликларга барҳам бермоқ керак. Аввало, қишлоқ хўжалик артели Уставининг қўпол равишда бузилишига чек қўйиш ва колхоз ишларини бошқаришнинг демократик негизларини ривожлантириш зарур. Устав — колхоз турмуши асосларининг асоси бўлиб, унинг бузилмас қонунидир. Бинобарин бу Уставга қатъий риоя қилиниши лозим.

Айрим хўжаликларда колхозчиларнинг асосий оммаси колхоз турмушининг туб масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда қатнашмаётганлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Даромадларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш-молия планларини тасдиқлаш, моддий-пул маблағларини сарфлаш, артелга аъзолар қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш масалаларини бир қанча ҳолларда правленнелар, кўпинча эса колхоз раислари ва ўзлари ҳал қилиб юбормоқдалар. Бир қанча хўжаликларнинг раҳбарлари умумий мажлисларни мунтазам суратда ўтказиб турмайдилар, правленнеинг фаолияти тўғрисида колхозчилар олдида ҳисоб бериб турмайдиган бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми янги Устав лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисобладди. Бу Уставда колхоз қурилишида орттирилган бой тажриба ҳисобга олинади. Шунингдек, колхозчиларнинг учинчи Бутуниттифоқ съездини ўтказиш ҳам белгиланди. Бизнинг республикамизда ҳам колхозчилар съезди ўтказилади. Колхозчи деҳқонлар ҳаётидаги бу фавқулодда муҳим ва шонли воқеаларга ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш керак. Аввало, қишлоқ хўжалиги артели ишларини бошқаришнинг демократик негизларини мустаҳкамлаш ва колхозларнинг жамоат бойлигини кўпайтириш лозим.

Колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан иқтисодий ишни тубдан яхшилашга, хўжалик ҳисоби принципларини жорий этиш ва унга қатъий риоя қилишга боғлиқ. Республика колхоз ва совхозларида бу соҳада бирмунча ишлар қилинди. Бироқ, хўжалик ичидаги планлаштириш қониқарсиз аҳволда бўлганлиги, ҳисобга олиш ва ҳисобот бериб туриш, бригадалар, бўлимлар, ёрдамчи корхоналар ва умуман, хўжалик фаолиятини контроль қилиш сустлиги ва бу фаолият чуқур анализ қилиб турилмаганлиги натижасида бир қанча жойларда хўжалик ҳисоби лозим бўлган самарани бермаётир. Маҳсулот таннархининг баландлиги ва қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг рентабеллиги паст бўлганлигининг сабаби ҳам ана шундадир.

Масалан, 1-«Далварзин» совхозида бир центнер пахтанинг таннархи 25 сўм 35 тийин бўлса, у билан бир хил шароитдаги 2-«Далварзин» совхозида 31 сўм 60 тийинни ташкил этади. Бунда ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун биринчи совхозда 11 сўм 06 тийин, иккинчи совхозда эса 13 сўм 39 тийин маош тўланган. Москва районидаги Свердлов номли колхозда бир центнер пахтанинг таннархи 30 сўмдан ошиб кетди, шундан 23 сўм 21 тийинни меҳнат ҳақи тўлашга сарф бўлди.

Биз шунга эришишимиз керакки, барча хўжаликлар ўз ишларини тежаб-тергаб олиб борсинлар, харажатларни доимо камайтирсинлар, арзон маҳсулот етиштирсинлар, рентабеллик даражасини оширсинлар, бутун иқтисодий ишни яхшиласинлар. Ҳар бир колхоз ва совхознинг ишига баҳо берганда ана шу кўрсаткичлар асос қилиб олинмоғи лозим.

Пленум колхоз ва совхозларга маблағ ва кредит бериш системасини яхшилаш масалаларига катта эътибор берди, қишлоқ хўжалик артелларидан олинадиган даромад солигини соф даромаддан олишнинг янги тартибини белгилаш зарурлигини кўрсатди. Бу тадбирдан фақат бизнинг республикамизнинг ўзида колхозлар йилига 50 миллион сўмга яқин манфаат кўрадилар. Пленумнинг иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларнинг қарзини кечиб юборишга қарор қилганлиги ҳам партиямиз қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида эўр ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Республикамизда ана шундай колхозлар зиммасидаги 10 миллион сўмдан ортиқ қарз кечиб юборилади.

Колхоз ва совхозларнинг ижтимоий мулкини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Афсуски, бизда халқ мулкини талон-торож қилиш сингари шармандали фактлар ҳали ҳам учраб туради. Масалан, Денов районидаги Жданов номли колхозда моддий-пул маблағларидан 94 минг сўм талон-торож қилинган. Бухоро районидаги К. Маркс номли колхозда 49 минг сўм, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 39 минг сўм талон-торож қилинган.

Бундай ҳолларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун биз моддий жавобгар ходимларни танлашни яхшилашимиз, ревизия комиссияларининг фаолиятини активлаштиришимиз ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан контролни кучайтиришимиз зарур.

Колхозчиларни, совхоз ишчиларини, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг муҳим шартидир. Барча колхоз ва совхозларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив системасини жорий этиш, колхозчиларнинг муттасил маош олиб туришини таъминлаш, бу маошнинг миқдорини меҳнат унумдорлиги даражасига ва олинаётган маҳсулотга боғлиқ қилиб қўйиш керак. Энг юксак натижаларга эришган колхозчилар ва совхоз ишчиларини моддий рағбатлантиришга ҳам эътибор бериш лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг кўрсатмаларига мувофиқ, биз колхоз раислари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солишимиз керак. Колхоз раислари ва мутахассисларининг иш ҳақи даражаси ишлаб чиқариш ҳажми тахминан бир хил бўлган совхозларнинг директорлари ва мутахассислари олаётган иш ҳақи билан баравар бўлиши учун айниқса меҳнат кунларига қараб ҳақ берилаётган хўжаликларда бу ишни ўтказмоқ лозим.

Саноат ва озиқ-овқат товарларининг нархлари қишлоқда ҳам шаҳар даражасига туширилишидан қишлоқ аҳолиси катта наф кўради. Республикада бу тадбирдан 18 миллион сўмдан кўпроқ манфаат кўрилади.

Пленум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш соҳасидаги катта-катта вазифаларни бажариш учун социалистик экономиканинг бу энг муҳим тармоғига капитал маблағ сарфлашни анча кўпайтиришга қарор қилди. Вазифа шуки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш керак.

VII. ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

Партиявий раҳбарлик савияси оширилган, бутун ишимизнинг услуби ва методлари такомиллаштирилган, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижрони текширишни ташкил этиш ишлари яхшиланган, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш кучайтирилган тақдирдагина давлат томонидан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун сарфланаётган жуда катта маблағлар кутилган натижаларни беради.

Кейинги вақтларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари натижасида раҳбар кадрларимизнинг состави анча мустаҳкамланди. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг составига 12.500 дан кўпроқ коммунист сайланди. Булар омма орасида катта обрўга эга бўлган, амалий ишларда ўзларини кўрсатган партия, совет, касаба союз ва комсомол ишида ишлаб, тажриба орттирган кишилардир, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб турган раҳбарлар ва мутахассислардир, катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қила оладиган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидирлар. Булар орасида партия райкомларининг секретарлари Авазматов, Маткаримов ва бошқа шу каби ўртоқлар сингари ажойиб ташкилотчилар, талантли раҳбарлар ози эмас.

Лекин хўжалик ва маданий қурилишнинг у ёки бу участкасида фақат маъмурий чоралар билан, команда бериш, қуруқ тазйиқ ўтказиш, ҳар хил вакиллар юбориш йўли билангина муваффақиятга эришиш мумкин, деб ҳисоблаётган раҳбарлар бизда афсуски ҳали ҳам бор. Улар пропагандистлар, агитаторлар, маданий-оқартув ходимлари билан йиллаб учрашиб гаплашмайдилар, аслини олганда, бундай ходимлар одамлар билан тинимсиз тарбиявий иш олиб боришдан четда турибдилар.

Оққўрғон партия комитетида раҳбарликнинг зарарли методларига йўл қўйилди. Бир мисолни айтиб бераман. Ўтган йил терим ишлари бошланган вақтда партия комитети партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларига бутунлай зид қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан, партия комитети бюро аъзолари, район ижроия комитетининг аъзолари, муассасалардаги бўлимларнинг мудирлари ва раҳбарлари пахта терими даврида муайян хўжаликларга биркитиб қўйилди, уларнинг баъзилари асосий вакил қилиб, баъзилари эса қўшимча вакил қилиб тайинланди. Дефолиация ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш, пахтани машинада теришни ташкил этиш, бутун аҳолини пахта теримига сафарбар қилиш ва шу каби ишлар учун жавобгарлик хўжалик раҳбарлари билан бир қаторда уларга ҳам юклатиб қўйилди.

Партия комитети ўзининг қарорида хўжаликларга биркитиб қўйилган вакилларнинг колхозлардан қайтиб келишларини қатъиян тақиқлаб қўйди ва уларнинг ўз мансабларига тааллуқли ишларнинг ҳаммасини фақат кечаси бажаришни буюриб қўйди. Колхозлар, совхозлар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам партия комитети бюросидан рухсат олмай туриб, бошқа бирор ёққа кетишлари тақиқлаб қўйилди. Пахта теримининг боришига оператив раҳбарлик қилишни ва терим билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал қилишни партия комитети ва унинг секретари Ўртоқ Тоиров махсус тузилган штабга топширди. Колхозлар ва совхозларга техника хизмати кўрсатилишига раҳбарлик қилиб туриш учун ҳам худди шундай штаб тузилди.

Равшандирки, бунақа қилиқларнинг ҳеч кимга кераги йўқ эди. Бундай қилиқлар ишга фақат зарар етказиши мумкин. Марказий Комитет партияларга, колхозларга ва совхозларга жуда кўп вакиллар юборишдан умуман воз кечиш керак, деб ҳисоблайди.

Бошқа кўпгина партия органларининг ҳам раҳбарлик услуби ва методларини жиддий равишда яхшиламоқ керак. Бу эса раҳбар кадрлар билан доимий иш олиб боришни талаб қилади. Уларнинг нуқсонларини ўз вақтида кўрсатиб туриш, юксак ғоявийлик ва принципиаллик, ишчанлик ва камчиликларга нисбатан муросасизлик, одамларга нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўлиш, камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик сингари ленинча хислатларни сабр ва матонат билан уларга сингириб бориш керак. Уларга қунт билан таълим бериб бораш, шовқин-сурон ва дабдабабозликни, декларациябозлик ва қуруқ мақтанчоқликни йўқотишда уларга бутун чоралар билан кўмаклашиш, партия томонидан қоралланган зарарли методларни — маъмуриятчиликни, буйруқбозликни, колхоз ва совхоз раҳбарлари ва мутахассисларига майда-чуйда ишларни бажаришда ҳам васийлик қилишни ва улар бажарадиган ишларни бажара беришни, партия, совет ва хўжалик органларининг ҳуқуқларини камситишни ва уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни пасайтириб юборишни қатъиян йўқотиш керак.

Ташкилотчилик ишлари билан ғоявий-тарбиявий ишларни бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш маҳоратини ҳамма кадрларимизга муттасил ўргатиб туриш зарур. Шу нарсани ҳамиша эсда тутиш керакки, ишонтириш методи одамлар билан ишлашнинг асосий методидир. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани алоҳида куч билан ўқтириб ўтдики, қишлоқ хўжалиги соҳасида олдимизда мураккаб ва катта вазифалар турган шароитда, меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, партия сиёсатининг тўғрилигига уларни қатъий ишонтириш ҳар қандай қийинчиликларни енгишимиз, амалий вазифаларни моҳирлик билан ҳал қилишимиз учун ҳаммамизга ёрдам беруччи зўр кучдир.

Барча раҳбар ходимларнинг одамларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш учун бўлган масъулиятини ошириш жуда муҳим вазифадир. Бунинг учун эса улар ўзларининг марксча-ленинча билимларини тинмай ошириб боришлари, социалистик экономика қонуниятларини чуқур ўрганишлари, меҳнаткашлар орасида агитация-пропаганда ишларини олиб боришда шахсан актив қатнашишлари керак.

Раҳбарлик қилишдаги субъективизмнинг касофати Советлар ишига ҳам тегди. Кейинги йилларда Советларнинг роли пасайтириб юборилди. КПСС Марказий Комитети бу нормал бўлмаган аҳволни тузатиш чораларини кўрмоқда. Советларнинг ролини, Советлар ижроия комитетларининг, Советлар депутатларининг халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишдаги ва одамларни тарбиялашдаги ролини бутун чоралар билан кўтаришимиз керак.

Ҳар бир ташкилот ўз вазифаларини ва бурчини аниқ ва пухта бажариб туриши учун касаба союзларининг, комсомолнинг ролини ҳам оширишимиз, барча бошқарув органларининг аниқ ишлайдиган бўлишига бутун чоралар билан эришмоғимиз зарур. Шундай қилганимизгина, кўп киррали ишимизнинг ҳамма участкаларида муваффақиятлар қозонишни таъминлаймиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашнинг олдинги сафида турган колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш ва улар бажараётган ишнинг мазмунини яхшилаш соҳасида айниқса жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур. Қишлоқларда 5 мингта бошланғич партия ташкилотимиз бор. Уларнинг сафида 180 минг коммунист бирлашган. Иш тўғри ташкил этилганида, булар катта кучдир.

Афсуски, бир қанча жойларда бошланғич партия ташкилотларининг роли пасайтириб юборилди. Улар меҳнат ёмон ташкил этилганлигини, социалистик мусобақадаги формализмни кўриб индамайдилар, колхоз ва совхозларда бригада бошлиқларини, ферма мудирларини ва бошқа раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдан четда турибдилар, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

Партия ташкилотларининг кўплари одамларни партияга танлаб олишга, ёш коммунистларни тарбиялашга тузук эътибор бермай қўйдилар. Баъзи партия ташкилотларида колхозчиларни ва совхоз ишчиларини партияга қабул қилиш кейинги йилларда камайиб кетганлигининг сабаби ҳам мана шу. Масалан, Тошкент областида партияга қабул қилинганлар орасида колхозчилар сони 1960 йилдагига нисбатан 18 процентдан 11 процентга, Фарғона областида 36 процентдан 26 процентга тушиб қолди. Ўтган йил партияга қабул қилинган ҳар 100 кишига ҳисоблаганда колхозчилар Сирдарё областида фақат 18 кишини, Қорақалпоғистонда эса 16 кишини ташкил этди. Чорвадорлар ҳисобидан партия сафларини кўпайтириш ҳам кўнгилдагидек бормаётир. 1964 йилда Булунғур, Киров (Сирдарё области), Пайариқ, Пастдаргам район партия комитетларининг ҳар қайсиси КПСС сафига фақат биттадан чорвадор қабул қилишди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг турмуш шароитини йилдан-йилга яхшилаб бориш, қишлоқларда яхши клублар, кутубхоналар, мактаблар, магазинлар бўлиши учун қишлоқ аҳолисининг маданий ва маиший талабларини қондириш соҳасида партия ташкилотларининг иш олиб бориши муҳим эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Яқинда бизнинг республикамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг аҳолининг турмуш маданиятини ошириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ўзаро текшириб чиқилди. Ўзаро текшириш натижалари бу масалага чуқур тушуниб ва бутун масъулиятни англаб қаралган жойларда яхши самаралар қўлга киритилганлигини кўрсатди. Ўтган йил ичида республика меҳнаткашлари 1 миллион 207 минг квадрат метр уйжой майдони олдилар, 75.650 ўринли янги мактаблар, 12.329 ўринли болалар боғчалари ва ясли-лари, 2.089 койкали касалхоналар, кўпгина магазинлар, клублар, кутубхоналар қурилди. Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматларнинг ҳажми 1963 йилдагига нисбатан 25 миллион сўм кўпайди.

Шу билан бирга, текшириш вақтида шу нарсалар аниқландики, партия ва совет органларининг, министрликлар ва идораларнинг баъзи раҳбарлари меҳнаткашлар турмушини коммунистик негизда қайта қуришга, меҳнаткашларга зарур маданий-маиший шароит яратиб беришга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар, бунинг учун жойлардаги мавжуд катта имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Шу вақтгача кўпгина бригадаларда ҳатто типовой дала шийпонлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми ўзаро текшириш якунларини муҳокама қилиб, турмуш маданиятини ошириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш ишлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти эканлигига, бу ишлар қисқа вақт ичида ўтказиладиган камп

ТУРНИР ЖАДВАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНГ

...Финляндияда уни «ялкопалло» деб, Италияда «кальчио», Югославияда «ногомет», Чехословакияда «копана», Польшада «пилка ножна», Венгрияда «лабдаругаш», Германияда «фуссбаль», Англияда «соккер», Совет Иттифоқида эса «футбол» деб атайдилар. Ҳа, замонамизнинг спорт ўйинларидан ҳеч бири ўзининг ривожланганлиги ва оммавийлиги жиҳатидан «оёқ тўпи» билан рақобат килолмайди.

ФИФА — Халқаро футбол федерацияси рўйхатида бу ўйиннинг оммавийлиги жиҳатидан Совет Иттифоқи биринчи ўринда туради. Дарҳақиқат, 15 та иттифоқдош республикада икки миллиондан ортиқ спортчи футбол ўйнайди. Ҳар йили «А» ва «Б» класслари бўйича ўтказиладиган мамлакат чемпионатлари, СССР Кубоги ўйинлари ғоят кўп — ўн миллионлаб томошабиларни ўзига жалб этади.

Аммо, табиийки, СССР чемпионатининг олтин, кумуш ва бронза медаллари учун курашадиган 17 та энг кучли командаларнинг учрашувлари футбол ишқивозларида энг катта қизиқиш уйғотади.

1965 йилнинг «футбол премьера»си пардасининг кўтарилишига оз қолди. Ҳозирги баҳор кунлари бу кўп кўринишли спорт спектаклининг саҳна орқасида нималар бўляпти?

Бу йилги мавсумолди тайёргарлиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Бунда гап машқларнинг сон ва сифат жиҳатдан кескин ортганлиги ҳақида боради. Совет Иттифоқининг спорт жамоатчилиги ўтган йили футбол федерациясига ҳам, командаларга ҳам катта талаб қўйди. Биринчи терма командамиз ва айниқса олимпиадачиларимизнинг муваффақиятсиз ўйинлари, Москванинг «Динамо» ва «Спартак», Ленинграднинг «Зенит» командалари каби машҳур коллективларнинг ёмон ўйини, кўпгина хужумчилар ўйинининг пасайганлиги ҳаққоний танқидга учради. Шуни айтиш керакки, федерация ҳам, командаларнинг раҳбарлари ҳам назаримизда ўз вақтида ва тўғри хулосалар чиқардилар.

Чемпионатнинг биринчи куни — 15 апрелгача командалар яна икки-учтадан контроль учрашувлар ўтказадилар. Бу учрашувлар «Торпедо», ЦСКА, ва Тбилисининг «Динамо» командалари учун катта аҳамиятга эга бўлади. Негаки, мамлакат терма командалари ўйинчилари Италиядан қайтиб уларга қўшилишади. Улар старший тренер Николай Морозов раҳбарлигида Югославияда, ундан сўнг Италияда халқаро учрашувларга тайёргарлик ўтказдилар. Етакчи футболчиларнинг йўқлиги бу клубларда ижобий роль ҳам ўйнади: уларнинг вазифасини қобилиятли дублёрлар бажардилар. Бу ёшлар баҳорги контроль учрашувларда ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Чемпионатнинг бир неча ўйинларини энг кучли клублар ўзларининг пешқадам ўйинчиларисиз ўтказишларини ҳисобга олсак, (бу ўйинчилар терма командага чақириб олинади) ёшларнинг бундай синаб кўрилишини фойдали деб ҳисоблаш керак.

Шуни мамнунлик билан қайд этиш керакки, бу йил командалар составида айтарлик ўзгаришлар бўлмади. Тбилисининг «Динамо» командасига кутансилик, мамлакат терма командасининг дарвозабони Рамаз Урушадзе ўтди. «Шахтёр»нинг қанот ҳужумчиси Виталий Хмельницкий Киев «Динамо» командасининг формасини кияди. ЦСКА командасида бу ўринга «Молдова»нинг собиқ ўйинчиси Александр Шиманович қабул қилинди. «Торпедо» составида биз икки янги ярим химоячи — «Волга»дан ўтган Владимир Бреднев ва «Шинник»дан ўтган Александр Леневин ҳамда «Волга»дан ўтган ҳужумчи Владимир Михайловни кўрамиз. Яқинда «Московская правда» газетаси ҳужумчи Эдуард Стрельцов «Торпедо»га қайтиши мумкин деб хабар берди.

Дарвозабон Игорь Фролов ЦСКА дан Минскнинг «Динамо» командасига, Совет Армияси сафидан бўшаган марказий химоячи Вячеслав Семиглазов эса «Нефтяник»ка қайтиб ўтди. Бошқа клублар составларида ҳам қисман ўзгаришлар бор.

Албатта, ҳар қачонгидек янги мавсум бошланиш арафасида футбол ишқивозларини бош масала — ким чемпион бўларкин деган жумбоқ қизиқтиради.

Командаларнинг катта группаси чемпион номи учун курашажаги шубҳа туғдирмайди. Бу группага кам деганда, Тбилиси ва Киевнинг «Динамо» командалари, Москванинг «Торпедо», ЦСКА коллективлари киради. «Спартак» (Москва), СКА (Ростов), Москва ва Минск динамочилари ҳамда «Шахтёр»нинг кучини ҳам унутмаслик керак. Қолган 8 қатнашчига келганда шуни айтиш керакки, келаси мавсумда «А» классининг биринчи группасини ташлаб кетишга мажбур бўлдиган бахтсиз командалар шуларнинг ичидан чиқса керак.

Яна бир мулоҳаза: 1965 йил чемпиони қанча очко тўплаши лозим? АПН обзорида ўтган йили бир берган жавобга яна қайтишга тўғри келади — 46 очко кифоя қилса керак. Тўғри, бултур ғолиб учун 46 очко етмади — қўшимча ўйин ўтказиш лозим бўлди. Лекин чемпионатнинг бундай якуни жуда камдан-кам бўлади. Бу йил бултургига ўхшаган ҳодиса қайтарилмаса керак.

Келинг, ҳозирча турнир жадвалларини тайёрлаб қўйиб, 15 апрелни кутайлик.

Юрий ВАНЬЯТ,
АПН футбол обзорчиси.

Катта футбол арафасида

Пойтахтнинг Октябрь районидаги 7-бирлашган болалар касалхонасининг врачлари бўш вақтларида маҳалла хотин-қизлари орасида бўлиб, медицина темаларида суҳбатлар ўтказишади. Медицина ходимларининг жонкуярлигидан ҳамма хурсанд. Сиз бу суратда врач ўртоқ М. Мансуровани суҳбат ўтказаётган вақтда кўриб турибсиз.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ШАХМАТ

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНЛИГИ УЧУН

Кеча республика миқёсидаги икки мусобақа — Самарқандда эркаклар ўртасида XXX юбилей чемпионат, Бухорода эса аёллар ўртасида XXIV биринчилик бошланди.

Эркаклар чемпионатида республиканинг бир неча марта ғолиби бўлган СССР спорт мастери Грушевский, кучли мастерликка кандидатлар Мухин, Бирбрагер, Хасидовскийларнинг маълум сабабларга кўра иштирок эта олмаётганлиги турнир составининг бўшроқ бўлиб қолишига олиб келди. Лекин СССР терма командасининг бош тренери, халқаро гроссмейстер Болеславскийнинг турнирда иштирок этиши мусобақанинг қизғин ўтишидан дарак бермоқда.

Мусобақа қатнашчилари орасида мендан ташқари тошкентлик мастерликка кандидатлар Бударин, Набирахўжаев, Коган, Юсупов, Норкин, андижонлик таниқли шахматчи Иброҳим Назаров ва бошқа бир неча ёш қобилиятли шахматчилар бор. Бухорода ўтаётган аёллар чемпионатида ҳам икки-учта шахматчини ҳисобга олмаганда Тошкент шаҳри ва областларининг энг яхши вакиллари тўпланишган. Улар орасида инженер Раъно Ниёзбекова, илмий ходим биринчи разрядли Виктория Захарьян, хотин-қизлар педагогика билим юртининг студенти 15 яшар қобилиятли Марҳабо Тургунова, ўтган йилги ғолиблардан бири Ольга Чуманова (Қарши) ва область чемпионлари бор. Мусобақалар уч ҳафта давом этади.

М. МУҲИТДИНОВ,
Узбекистон шахмат федерацияси раиси, СССР спорт мастери.

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

ОЗОДАЛИККА НЕ ЕТСИН

Киров районидаги 1-Кисловодск маҳалласига Пятигорск, Кисловодск, Ялта, Сочи, Уста-Ширин каби йигирмадан знёд кўчалар киради. Бу кўчаларнинг икки томонига шинам, чиройли уйлар тушган. Кўпчилик хонадонлар ўз ҳовлилари ва эшик олдиларига турли хил мевали дарахт ва гуллар ўтказиб, бўстонга айлантиришган.

Лекин шаҳримиздаги ҳарбир кўча ва ҳарбир хонадон ҳовлисида ана шундай баҳаво жойлар кўп деб бўладими? Афсуски йўқ. Ҳатоки айрим ҳовлилар, кўчаларда бironта ҳам дарахти кўрмайсиз. Шу сабабли кўпгина кўча ва ҳовлиларимиз кўримсиз ва файзсиз. Ҳўш, агар ҳарбир кўчамизни мевали дарахтзор, ҳовлиларимизни эса гулзор қилиб қўйсак ўзимиз маза қилиб хордиқ чиқарамиз-ку.

Яқинда ўтказилган йиғилишда маҳалла меҳнаткашлари кўчаларни обод қилиш, мевали дарахтлар — олча, ток, олма кўчатлари ўтказиш, ариқларни тартибга келтириш, доимий равишда супуриб, сув сепиб озода тутиш, ариқларга мазаза ва бошқа ахлатлар тўкмаслик, гигиена-санитария қоидаларига тўла риоя қилажаклари тўғрисида бир қарорга келиб, райондаги барча маҳалла меҳнаткашларини ана шу ташаббусга қўшилишга чақиришди.

Дарахтларни парвариш қилиб ўстириш ва доимий назорат қилиб туриш учун маҳалладаги 143-мактаб комсомол-пионер ташкилотлари тузган зарбдор бригада аъзоларини кўчаларга қўйиш ва дарахтларни нобуд қилмай, авж олиб ўсиши устидан назоратни кучайтиришни ўз зиммаларига олдилар.

Маҳаллада ободончилик ишларининг амалга оширилишини таъминлаш вазифаси маҳалла комитети ва унинг ҳузуридаги ободончилик комиссиясига топширилди.

Йиғилишда Киров район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Каприелов ва район ижроия комитетининг раиси Ж. Шобурхонов ўртоқлар иштирок этдилар. Ўртоқ Шобурхонов йиғилишда сўзга чиқиб, ижроия комитет маҳалла меҳнаткашларининг бу яхши ташаббусини қўллаб-қувватлаяжагини билдирди. Йиғилишда жамоатчилик асосида магазин, медицина пункти ва бошқалар ташкил этиш зарурлиги айтиб ўтилди.

С. ТИЛЛАЕВ.

БАЛЛИ СИЗГА, ОТАХОНЛАР

Бу ерда байрамларни бironта янгилик билан нишонлаш анъанага айланиб қолган. Октябрь районидаги Киров номли маҳалланинг ҳурматли кишилари — Маҳаммаджон Тошхўжаев, Носир Шермуҳамедов, Расулмат ота Азимжонов, Абдулла ота Ниёзов., ака-ука Одил ва Иброҳим Исҳоқов ҳамда Жўра ва Аъзам Қосимовлардир.

Маҳалла отахонлари 1964 йил Октябрь байрамида жамоатчилик асосида бунёд этилган болалар поликлиникасини совға қилдилар. Бу ерда тоза, ёруғ, кенг хоналар, ҳовлига экилган тўрли хил мевали дарахт ва гуллар кишини хурсанд қилади.

Маҳалла комитетининг раиси Маҳаммаджон Тошхўжаев навбатдаги актив йиғилишини чақириб унга район ижроия комитети ходимларини таклиф этди, айрим кўчалар ёзда тупроқ, қишда лой эканлигини, шу кўчаларни тузатишда ёрдам беришни сўради. Кўп вақт ўтмай, кўчаларга шағал тўкилиб, асфальтланди. Йиғилишда отахонлар янги магазин қуришни ҳам таклиф қилган эдилар.

Қийшайиб ётган магазин рўпарасидаги эски чойхона биноси бузиб ташланди. Юқорида номлари зикр этилган отахонлар енг шимариб ишга киришдилар, ғишт қуйилди, тахта ва тўсинлар ўрнилди, жой текисланди. Ишбоши Маҳаммаджон Тошхўжаев бўлди. У эртадан кечгача қурилиш тепасидан кетмади. Бинонинг усти ёпилгач, ака-ука сувоқчилар Одил ва Иброҳим Исҳоқовлар ишдан бўш вақтларида пардоз-андоз ишларини, 10-касалхона дурадгори Абдурахмон Қаюмов эса ром, шипларни қўлдан чиқарди.

Яқинда бўлиб ўтган Маҳаллий Советларга сайловлар кунида байрам устига байрам бўлди бу ерда. 47-озиқ-овқат магазини янги, шинам, ойнавонли бинога кўчирилди. Бир зумда сотувчи Ойнабиби Нуриллаеванинг қўлиқўлига тегмай қолди, меҳнаткашлар илиқ табассум билан ҳимматли кексалар совғаси — янги магазиндан истаган нарсаларини харид қила бошлашди.

Жамоатчи отахонлар ҳозир болалар поликлиникаси ёнига чойхона қуришни мўлжаллашмоқда.

Раҳмат сизларга, ғайратли отахонлар!

Я. САЛИМОВ.

Тошкентда кичик олимпиада

Бу йилги мавсумда «Пахтакор» стадионида қандай халқаро учрашувлар ўтказилади? Узбекистон телеграф агентлигининг мухбири Узбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси В. С. Митрофановга ана шу савол билан мурожаат қилди.

Болгария, Чехословакия, «Крилья Советов» (Куйбишев) ва «Пахтакор (Тошкент) командаларининг иштироки билан Тошкентда биринчи марта ташкил қилинадиган халқаро футбол турнири энг муҳим воқеа бўлади, — деди у. — Мусобакаларни олимпиада системасида ўтказишга қарор қилинди. Жуфт командалар чек ташлаш йўли билан белгиланади. Дастлабки икки учрашувда ғолиб чиққан командалар финалда биринчи ва иккинчи ўринларни олиш учун курашадилар.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг мажлиси

ХАНОЙ, 5 апрель. (ТАСС). Бу ерда Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Советининг 1965 йил апрель ойининг бошларида мажлиси бўлиб ўтган эди. Ана шу мажлис тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Мажлисда республика президенти Хо Ши Мин доклад қилди.

ВИА агентлигининг хабар беришича, мажлисда Америка империалистларининг Жанубий Вьетнамда агрессив урушни кучайтириш ва бу урушни авиация ёрдамида Шимолий Вьетнамга ёйишга қаратилган манёврлари ва ҳаракатлари муносабати билан вужудга келган янги вазият ва янги вазифалар муҳокама қилинди.

Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Совети экономика ва миллий мудофаани мустаҳкамлашга қаратилган кечиктирилмас вазифалар тўғрисида қарор қабул килди.

ҲАВО ҚАРОҚЧИЛАРИ ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША ЗАРБА ЕДИЛАР

ХАНОЙ, 5 апрель. (ТАСС). Бу ерда Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг ахбороти эълон қилинди. Ахборотда бундай дейилади: кеча Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасига ҳужум қилган пайтда 37 самолётидан ажради, деб хабар беради Вьетнам информацион агентлиги.

Американинг 30 самолёти Тхань Хоа вилоятида ва бошқа 7 самолёти Нге Ан, Куанг Бинь ва Винь Линь районида уриб туширилди.

Ахборотда айтилишича, Вьетнам Демократик Республикаси халқ армиясининг қисмлари шу йил 3 ва 4 апрелда Американинг 57 самолётини уриб туширганлар.

ҲАККОНИЙ ТАДБИР

БЕРЛИН, 5 апрель. (ТАСС). Германия Федератив Республикаси Бундестагининг мажлисини Ғарбий Берлинда ўтказиш мўлжалланган. Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ, ана шу мажлис вақтида мажлисда қатнашишни истаган Бундестагнинг барча депутатлари ва бошқа шахсларнинг Германия Демократик Республикасига қарашли автомобиль йўллари ва темир йўллардан Ғарбий Берлинга боришлари ва Ғарбий Берлиндан қайтишлари тақиқланди.

АДН агентлиги хабар беради: Германия Демократик Республикасининг ҳукумати Ғарбий Берлинда Ғарбий Германия Бундестаги мажлисининг чақирилиши муносабати билан хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида шу кўрсатмани берди. Бундестаг мажлисининг чақирилиши «халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузишдир».

«БАҲОР» ЖАЗОИРДА

ЖАЗОИР, 5 апрель. (ТАСС). Ўзбекистон халқ рақс давлат ансамбли «Баҳор» Жазоир Халқ Демократик Республикасида гастроль бериш учун Марокашдан кеча Оран шаҳрига келди. Ансамбль мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида концерт беради.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

● Бельгия—Совет дўстлиги жамиятининг ташаббуси билан Бельгиядаги Юи шаҳрида (Льеж вилояти) «СССРга назар солганда» деган номда виставка очилди.

● Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг тўртинчи конференцияси шу йил 9 майдан 16 майгача Аккрада ўтказилади, деб Қоҳирада эълон қилинди. Конференция ишида бирдамлик ҳаракатида иштирок қилаётган 60 дан кўпроқ ташкилот, шунингдек жуда кўп кузатувчилар қатнашса керак, деб айтмоқдалар.

● Ўрта Шарқда бўронлар ва изғирин шамоллар авж олиб кетди. Тоғларга қалин қор ёғди. Қор кўчимлари натижасида Байрут билан Дамашқ ўртасида қатнов тўхтаб қолди. Кўп жойларда алоқалар узилди. Бўронлар катта зарар етказди.

● Колумбия соҳиллари олдида яқинда ўтказилган ҳарбий денгиз маневрлари вақтида Американинг ҳарбий кемалари Буэнавентур порти районида қурол-ярог ва ҳарбий анжомлар туширидлар. Бу тўғрида хабар берган «Вос пролетария» газетасининг ёзишича, бу портга Америка ҳарбий кемаларининг келганлигига колумбияликлар Колумбиянинг Тинч океан соҳилида Америка ҳарбий денгиз базаларини қуриш йўлида қўйилган қадам, деб баҳо бермоқдалар.

● Перунинг шимолий қисмида кучли сув тошқини бўлди. Дарёлардаги сувлар ҳали ҳам кўпайиб бормоқда. 15 минг деҳқон яшайдиган Чира водисида сув тошқини кўп уйларни вайрон қилди, ҳосилнинг қариб 60 проценти нобуд бўлди.

● 28 мартда Чилининг марказий районларида бўлган қаттиқ зилзила натижасида мингдаб болалар мактабсиз қолди. Зилзила юзга яқин мактабни вайрон қилди.

ВАНДЕНБЕРГ БАЗАСИДАН УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 апрель. (ТАСС). Кеча Американинг Ванденберг ҳарбий ҳаво базасидан (Калифорния штати) «СНАП—10 А» деган ядро кучи установкаси Ер йўлдоши орбитасига учирилди. Бу установка йон ракета двигатели учун электр энергияси бера олади. Америка информация агентликларининг хабар беришича, бу установка орбитага чиқарилганидан кейин ядро реактори ҳаракатга келтирилган.

ЖУДА АНИҚ ВА ЖУДА ҚАТТИҚ ЎТ ОЧИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 апрель. (ТАСС). АҚШ ҳарбий қўмондонлигининг вакили қуйидагиларни айтди. Шимолий Вьетнамнинг Совет мамлакатида ишлаб чиқарилган «МИГ» қирувчи самолётлари кеча Америка ҳарбий ҳаво кучларининг овоз тезлигидан ҳам тез учадиган «Ф-105» типидаги икки қирувчи—бомбардимончи самолётини уриб туширди. «МИГ» самолётлари бу жангда шикастланмадилар. Бундан ташқари, Американинг бошқа самолётлари зенит ўти билан уриб туширилди.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири хабар беради: АҚШнинг Вьетнамдаги ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор Жазеф Мур кеча Шимолий вьетнамликлар Америка самолётларини зенит тўпларидан жуда аниқ ва жуда қаттиқ ўққа тутдилар, деб таъкидлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 7 АПРЕЛЬ 1965 ЙИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Будь готов!** тележурнали, 19.00 — **Катта руда** (бадиий фильм).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг ҳозирги даврдаги кураши** (телеуниверситет), 21.15 — **Эниш-биринчи имтиҳон** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.35—Композитор Ибром Акбаров, **Тошкентнома** (Радио уйидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Порланг, Ленин юлдузлари** (болалар учун), 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Рассом А. Абдуллаев асарларида Ленин образи.**

Рус тилида: 20.15 — **Рус балет санъати**, 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Запас ўйинчи** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да **Оқнуш нўли**, 8/IV да **Чио-Чио-Сан** («9 апрель» штампи босилган билетлар 8/IV га ярайди).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да **Қонли сароб**, 8/IV да **Кутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да **Ўғил уйлантириш**, 8/IV да **Нурхон.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 7/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари иштирокидаги **«Ҳазилни қўйинг» томошасининг** ва айиқларни ўргатувчи **Изабелла Адаскинанинг сўнгги гастроллари.** Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Севги деб (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли. «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 минут ва 9 да).

Утган йўлингга боқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Рельслар орасида — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 4, кеч 8 ва 10 да).

ГРАЖДАНЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

бир ойликдан тортиб

ИТЛАРНИ

1 июлгача муддатда **бепул**

РЎЙХАТГА ОЛАДИ,

қайта рўйхат қилади, ветеринария нўригидан ўтказади ҳамда қутуриш касаллиги ва бошқа касалликларга қарши эмлайди.

Шаҳар ветеринария шифохоналарининг адреси:

Фрунзе районида — Шелковичная кўчаси, 10-уй.

Куйбишев ва Киров районларида — Обсерватория кўчаси, 27-уй.

Октябрь районида — Чигатой кўчаси, 29-уй.

Ленин районида — Ипподром кўчаси, 184-уй.

Чилонзор районида — Шелковичная кўчаси, 10-уй ва Чигатой кўчаси, 29-уй.

Ўша жойларда но керак ит ва мушуклар маълум ҳақ билан қабул қилинади.

1 майдан бошлаб ветеринария шифохоналари эрталаб соат 8 дан кеч 8 гача ишлайди (дам олиш куниси).

Кўрсатилган муддатда қайта рўйхат қилинмаган ва эмланмаган итлар эгалари қўлидан олинади ва йўқотиб юборилади.

Шаҳар ветеринария-санитария станцияси.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН СУРАЙДИКИ,
уй, ҳовли, кўча, магазин ва муассасаларнинг
ташқи электр чироқларини,
шунингдек бинолар ичидаги электр чироқларини кун ёриши биланоқ
ЎЧИРСИНЛАР.
Ташқи электр чироқларини кундузи ёниш ҳоллари кўрилса, электр оғоҳ қилмасдан узиб қўйилади.

Гражданлар диққатига!

Маиший хизмат бошқармасига қарашли «МЕТАЛЛОБИТРЕМОНТ» КОМБИНАТИНИНГ қуйидаги УСТАХОНАЛАРИДА

гарантияли ремонт ИШЛАРИ БАЖАРИЛАДИ:

Ҳамза кўчаси, 7-уйда — **Ватанимизда ишлаб чиқарилган ва чет эл тикув машиналари;**

Марказий бозорда — **терморегуляторли ва ҳўллайдиган мосламали электр дазмоллари;**

Олой бозорида — **«Д-4» ва «Д-5» велосипед двигателлари.**

Бундан ташқари, Шаҳрисабз кўчаси, 63-уйда

шиша консерва банка қопқоқлари тикланади.

Комбинатнинг шаҳар районларида жойлашган устахоналарида комбинат материалидан:

«раскладушка» кроватлар ремонт қилинади,

печь коробкалари, духовкалар; печь трубалари ва тирсаклари, турли катта-кичикликда хокандозлар, маҳаллий патнислар, турли катта-кичикликда никелли карнизлар, металл панжаралар, мозор ёдгорликлари, лавҳалари ва бошқа буюмлар

тайёрланади.

Зарур масалаларда мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар. Лугин кўчаси, 88-уй, телефон 3-41-85.

6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА
қурилиш бошқармаларида ишлаш учун:
ишлаб чиқариш-техника бўлимларининг бошлиқлари, инженерлар, старший инженерлар, прораблар, старший прораблар, қурилиш мастерлари, бош механиклар ва линия механиклари, темир-бетон буюмлар заводининг бош инженери ва ишлаб чиқариш бошлиғи

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Чилонзор массив, Б-6 сектор, 24-уй, 10 квартирада турувчи **Виктор Матвеевич Зотов**нинг Шота Руставели кўчаси, Минин Пожарский проезд, 3-уйда турувчи Антонина Андреевна Зотовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Каттабоғ кўчаси, 1-участка, 3-уйда турувчи **Муҳаббат Ғуломовна Тошмуҳамедов**анинг шу уйда турувчи Хилват Мирзаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Оқтепа массив, Гулханий кўчаси, 1-уй, 2-квартирада турувчи **Талгат Сахибович Вильдановнинг** Чилонзор массив, 7-сектор, 15-уй, 64-квартирада турувчи Марина Владимировна Вильдановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Бахт кўчаси, Толзор тупик, 4-уйда турувчи **Ҳамид Наркаевнинг** Бахт кўчаси, 1-тупик, 17-уйда турувчи Зулайха Сирачевна Батиршинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Каттабоғ кўчаси, Кундуз тупик, 22-уйда турувчи **Миниахат Гатауловича Исмагиловнинг** шу уйда турувчи Минсария Нурмуҳамедовна Исмагиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Дарҳон кўчаси, 76-уйда турувчи **Мунира Холматованинг** шу уйда турувчи Юсуф Холматовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 2-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03743. Индекс — 64969. Нашр. № 1734.